Ватанни севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган.

1993 йил 29 сентябрь, чоршанба № 176—177 (21.528). Сотувда эркин нархда.

БМТ СЕССИЯСИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 48-сессияси давом этмоқда.

27 сентябрь куни сессияда Америка Қўшма Штатлари Президенти Билл Клинтон сўзга чиқ... АҚШ Президенти Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолиятини ижобий баҳолар экан, бугунги кунда обрўли халқаро ташкилот учун янги давр бошланганини қайд этди. Буюк давлатлар ўртасидаги қарама-қаршилик ўрнига амалий ҳамкорлик учун янги умид пайдо бўлганини таъкидлади. Билл Клинтон ҳозирги даврда мамлакатининг асосий мақсади — жаҳоннинг бозор иқтисодиётига асосланган демократик мамлакатлари ҳамдўстлигининг кенгайиши ва мустаҳкамланишига кўмаклашишдан иборат эканини айтди.

Бош Ассамблея сессиясида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.

(ЎзА).

Ислом КАРИМОВ: «АМАЛИЙ ИШГА ЎТАДИГАН ПАЙТ КЕЛДИ!»

Ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг Москвадаги учрашуви якунларини бир қанча ахборот маҳкамалари қисқа қилиб, «Кутилган натижага эришилди!» деб таърифлади. Бунда, аввало иқтисодий иттифоқ тузилиши тўғрисидаги шартноманинг имзолангани кўзда тутилади. Маълумки, бу муҳим ҳужжатга тўққизта мустақил давлат бошлиқлари имзо чекди. Украина билан Туркманистон эса унга шартли аъзо сифатида кирди.

Бироқ кўпгина кузатувчилар Москва учрашуви натижаларини собиқ Иттифоқнинг қайтадан вужудга келиши, деб баҳоладилар. Лекин бундай эмас. Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев мухбир саволига жавобан бундай деди:

— Ҳаётнинг ўзи бизни, муболағасиз айтиш мумкинки, шундай шартномани қабул қилишга мажбур этди. Бу ўринда гап СССРни қайтадан тузиш тўғрисида бораётгани йўқ ва бу ҳақда сўз бўлиши мумкин ҳам эмас. Мамлакатларимиз ва халқларимиз барча ваколатларини яна қандайдир марказга топшириш учун мустақилликни қўлга киритгани йўқ. Бир нарсани алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман. Ўзбекистон билан Қозоғистоннинг сифат жиҳатидан янги иқтисодий зонани барпо этишга доир саъй-ҳаракатлари муваффақият билан якунланди. Маълумки, Алматидаги июль учрашуви чоғида биз Ислом Каримов билан биргаликда божхона қоидаларини анча соддалаштириб тўла маънодаги рубль зонасини вужудга келтириш учун барча шарт-шароитни яратадиган ҳужжатни ишлаб чиқишни таклиф қилган эдик. Пировард натижада соғлом фикр ғолиб чиқди. Иқтисодий иттифоқ тузиш тўғрисидаги шартнома Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги бошлиқларининг учрашувида қабул қилинган барча ҳужжатлар орасида энг муҳими эканига ишончим комил.

Москва учрашувида делегациялар бошлиқлари муҳокамасига ўн саккизта масала қўйилган эди. Учрашув тез тугаганига қарамай, ўн олтита ҳужжат имзоланди. Мутахассисларнинг фикрича, бу — экспертлар самарали ишлагани натижасидир. Маълумки, улар иқтисодий иттифоққа доир шартнома хусусида бир неча ҳафта ишладилар. Хуллас, илгари ягона концепцияни ишлаб чиқишга имкон бермаган барча зиддиятлар бартараф этилди. Украина билан Туркманистон тўғрисида гапирадиган бўлсак, улар асосан субъектив сабабларга кўра ҳамжамиятга ҳар жиҳатдан тўла ҳуқуқли аъзо бўлиб қўшилмади.

Леонид Кравчукка бир қанча сиёсий партия ва ҳаракатлар, айниқса, миллий яккаланишни ўзининг сиёсий мақсади деб эълон қилган «Рух» қатъий қаршилик кўрсатмоқдаки, бу ҳол учрашувда олдин ҳам маълум эди. Туркманистондаги вазият эса бошқача. У ерда иқтисодий тангликдан табиий бойликлар, хусусан нефть ва газ ҳисобига чиқишга умид боғлаб, ўзларини гўё иккинчи қувват деб ҳисоблашмоқда.

СУРАТДА: учрашув пайти.

А. ИЛЁСОВ (ЎзА) олган сурат.

Москва учрашувининг яна бир муҳим жиҳати бор. Россияда ҳокимиятларнинг бир-бирига қарама-қарши туриши 24 сентябрь арафасида олий даражадаги кенгашни ўтказишни шубҳа остига қўйди. Лекин Борис Ельцин журналистлар билан суҳбатда барча уйдирмаларни рад этди. Борис Николаевич ўзини Кремлда ва ҳужжатлар имзоланган «Президент—отел»да айниқса дадил тутди. У мезбон сифатида журналистларга бундай деди:

— Ижроия ҳокимияти билан қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг бир неча ойлардан буён бир-бирига қарама-қарши туриши барҳам топди. Парламентнинг ғалаён чиқариб, халқни оёққа турғизишга уриниши беҳуда кетди. Мамлакат аниқ маромда яшамоқда. Ҳамма саноат корхоналари ишлаб турибди, далалардаги ҳосил йиғиштириб олинмоқда. Иқтисодий иттифоқ тўғрисидаги шартноманинг имзоланиши Ҳамдўстликдаги барча мамлакатлар учун яхши истиқболлар очиб беради. Россия пойтахтидаги учрашув буни яққол тасдиқлади.

Озарбайжон раҳбари Ҳайдар Алиев Москвада катта қизиқиш уйғотди. Бу тажрибали сиёсатчи Озарбайжон парламенти республиканинг МДҲ таркибига қўшилиши ҳақидаги қарорни аксарият кўпчилик овоз билан қабул қилишга эришди. Москвада у журналистлар билан учрашишдан тийилди. Шунга қарамай, қисқа баёнотда унинг тутган йўли яққол кўзга ташланди: «Ҳозирги пайтда иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан яккаланиб яшаш мумкин эмас. Бу йўл яхшиликка олиб бормайди. Шу сабабли биз Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигини ўзаро муносабатларимиз кўп йиллардан буён давом этаётган ишончли ҳамкорларимиз деб биламиз».

Учрашувда қатнашган бошқа делегация бошлиқларининг тутган йўли қандай эди? Беларусь парламентининг бошлиғи Станислав Шушкевич иқтисодий иттифоқ тўғрисидаги шартномага имзо чекиб, республиканинг ўз валютасини жорий этишни талаб қилаётган молиявий ҳамкорлик учун янги умид пайдо бўлганини таъкидлади. Билл Клинтон ҳозирги даврда мамлакатининг асосий мақсади — жаҳоннинг бозор иқтисодиётига асосланган демократик мамлакатлари ҳамдўстлигининг кенгайиши ва мустаҳкамланишига кўмаклашишдан иборат эканини айтди.

Бош Ассамблея сессиясида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.

(ЎзА).

холифатнинг барча далилларини чиппакка чиқарди. Молдова бошлиғи Мирча Снегур кўп гапирмади, лекин у ҳам янги иқтисодий иттифоқни тузиш ғоясини ҳеч иккиланмай қўллаб-қувватлади. Тожикистон Олий Кенгашининг раиси Имомали Раҳмоновнинг фикри эса равшан: Тожикистон — Афғонистон чегарасидаги можаролар давом этаётган ҳозирги мураккаб сиёсий ва иқтисодий вазиятда бу мамлакат муаммони ёлғиз ҳал эта олмайди. Бунинг устига, Москвада кўрилган бир неча масала, хусусан Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Ўзбекистон ҳамда Тожикистоннинг бирлашган мудофаа кучларини тузиш тўғрисидаги масала ҳам унга бевосита алоқадор эди. Бу мамлакатга ёрдам жамғармасини тузиш тўғрисида ҳам қарор қабул қилинди...

Учрашувда ҳаммадан ҳам Қирғизистон Президенти Асқар Акаевга қийин бўлди. У миллий валюта — сомни жорий этиб, бу билан Қирғизистонни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидан ажратиб қўйди. Бундай вазиятда Асқар Акаев қатъий талаблар қўядиган Халқаро валюта жамғармаси ёрдамига ҳамда Россия кредитларигагина умид боғлай олади, холос. Афсуски, Қирғизистон раҳбари учун ўзга йўл йўқ...

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг фикри эса ҳар қачонгидек жуда аниқ ва равшан. Ислом Каримов билан Нурсултон Назарбоев иқтисодий иттифоқ тўғрисидаги шартномани тезроқ ишлаб чиқиш ва қабул қилишга бошқа давлатлар бошлиқларини ундагани ҳозир ҳеч кимга сир эмас.

— Москва учрашувида биз рубль зонасига содиқлигимизни тасдиқладик, — деди Ислом Каримов. — Ҳозирги шароитда айрим қўшниларимизга ўхшаб миллий валютага ўтиш тўғрисида шошма-шошарлик билан қарор қабул қилишга йўл қўйиб бўлмайди. Бундай қарорлар билан обрў топадиган даврлар ўтиб кетди. Амалий иш қиладиган пайт келди. Ўзбекистон қандайдир нафсониятлар туфайли миллионлаб кишиларнинг турмушини қийинлаштириш учун сиёсий истиқлол ва мустақиллик эълон қилган эмас. Тўғри, биз ўз пулимизга аллақачон ўтишимиз мумкин эди. Пайти келиб ўтамиз ҳам. Лекин чинакам иқтисодий мустақилликка эришиш учун вақт керак. Бунда большевикларча, инқилобий йўл тутиб бўлмайди. Бозор иқтисодиётига аста-секин, тадрижий ўтиш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган сифат жиҳатидан янги тармоқларни барпо этиш — қийинчиликларни бартараф қилишимизга ёрдам беради. Республикадан ташқарига чиқариладиган моллар республикага келтириладиган моллардан анча кўп бўлишига эришмас эканмиз, иқтисодий мустақиллик тўғрисида гапириш мумкин эмас. Қозоғистон Президенти билан биргаликда биз учрашувда 1993 йил намунасидаги пулга тезроқ ўтиш тўғрисидаги масалани қўйдик. Россия томони бу масалада бизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга ваъда берди.

...МДҲ давлат ва ҳукумат бошлиқларининг навбатдаги учрашуви якунланди. Олдинги барча учрашувлардан фарқли равишда у ғоят самарали бўлди. Сиёсий нафсоният ўрнини ҳозирги вақтда бошқа мамлакатлардан ажралиб яккаланиб яшаш мумкин эмаслиги идроки эгаллади. Ҳеч бир томон тазйиқ ўтказмайдиган тенг ҳуқуқли ўзаро манфаатли иқтисодий иттифоқ зарур. Ривожланган ғарб мамлакатларида шундай иттифоқ мавжуд. Шундай қилиб бундай иттифоқнинг ҳуқуқий пойдевори яратилди. Лекин у амал қилиши учун, МДҲ мамлакатларининг ўн миллионлаб фуқаролари бу иттифоқнинг самарасини ҳис этишлари учун яна кўп ҳужжатларни имзолаш керак. Лекин буёғи енгил кўчади. Энг муҳими — МДҲ давлатларининг бир-бирига яқинлашиш жараёни бошланди!

Ҳамдўстлик давлатлари бошлиқларининг навбатдаги учрашуви октябрь ойининг охирида Ашгабатда ўтказиладиган бўлди.

Л. ЛЕВИН,
ЎзА махсус мухбири.
Москва.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ VIII ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ

«ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИНИ ЯРАТИШГА ДОИР НУҚТАИ НАЗАРИ» ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши VIII пленуми партиянинг миллий истиқлол мафкурасини яратишга доир нуқтаи назари масаласини кўриб чиқиб, қарор қабул қилади:

1. «Ўзбекистон Халқ демократик партияси миллий истиқлол мафкураси тўғрисида» Марказий Кенгаш комиссияси ишлаб чиққан ҳужжат лойиҳаси асос учун қабул қилинсин, у умумпартия муҳокамасига қўйилсин.

2. Қорақалпоғистон республика, вилоят, шаҳар ва туман кенгашлари мазкур лойиҳани муҳокама этишни ташкил этсинлар ҳамда тушган таклифларни умумлаштириб, Марказий Кенгаш комиссиясига юборсинлар.

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗГА МОНАНД МАФКУРА ЯРАТАЙЛИК

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган VIII пленуми партиянинг миллий истиқлол мафкурасини яратиш ҳамда уни ҳаётга татбиқ этишга доир нуқтаи назарини кўриб чиқиб, Марказий Кенгаш махсус комиссиясининг шу масалага оид ҳужжат лойиҳасини асос сифатида маъқуллаб, уни умумпартиявий муҳокамага қўйиш ҳақида қарор қабул қилган эди.

Бугун биз мазкур қарор ва ҳужжатни газета саҳифасида эълон қилиб, ХДП ташкилот ва аъзолари, партиямизга хайрихоҳ бўлган барча фуқаролар—ишчилар, деҳқонлар, зиёлилар, хизматчилар, руҳонийлар, фахрийлар, ёшлар лойиҳани бойитиш мақсадида ўз фикр-мулоҳазаларини қуйидаги манзилгоҳга юборсалар, мамнун бўлишлигимизни билдирамиз.

Тошкент, 700029 Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 9-уй, Ўзбекистон ХДП МҚ мафкуравий комиссиясига.

Ўзбекистон ХДП МҚ комиссияси.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

З. И. ЕСЕНБОЕВНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАТБУОТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛОВЧИ ЖАМҒАРМА БОШҚАРУВИНИНГ РАИСИ ЭТИБ ТАЙИНЛАШ ТЎҒРИСИДА

Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Зиёд Исломович ЕСЕНБОЕВ Ўзбекистон Республикаси матбуотини қўллаб-қувватловчи жамғарма бошқарувининг раиси этиб тайинлансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 24 сентябрь.

Танишинг:

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАТБУОТИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛОВЧИ ЖАМҒАРМА БОШҚАРУВИНИНГ РАИСИ

Зиёд Исломович ЕСЕНБОЕВ

Таниқли журналист, жамоат ва давлат арбоби, Абу Райҳон Беруний номидаги давлат мукофотининг лауреати, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Зиёд Исломович Есенбоев Тошкент вилоятининг Қибрай районидаги Дўрмон қишлоғида туғилган.

Қарийб 50 йилдан бери матбуот соҳасида хизмат қилади: Тошкент матбуот техникумини, Ўзбекистон КП Марказий Комитети қошидаги республика газетачилик мактабини ва Москва Олий партия мактабини битирган. «Қизил Ўзбекистон» (ҳозирги «Ўзбекистон овози») газетасида бўлим мудири, масъул котиб, муҳаррир ўринбосари ва муҳаррир бўлиб ишлаган. 1954 йили «Тошкент ҳақиқати» газетасини ташкил этган ва унинг биринчи муҳаррири бўлган. Йигирма тўрт йил Ўзбекистон Журналистлар уюшмасига, йигирма икки йил Ўзбекистон Давлат матбуот қўмитасига раҳбарлик қилган.

Меҳнат фахрийси, Улуғ Ватан урушининг қатнашчиси, бир неча орден ва медаллар соҳиби.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ УТАГАН ШАХСЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР, ЧЕГАРА ВА ИЧКИ ҚУШИНЛАР САФИДАН БЎШАТИШ ВА ФУҚАРОЛАРНИ НАВБАТДАГИ ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ХИЗМАТГА ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат ҳақида» ва «Муқобил хизмат ҳақида»ги Қонунларига биноан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаган шахслар Ўзбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари, чегара ва ички қўшинлари сафидан бўшатилсин.

2. 1993 йил ноябрь—декабрь ойларида Ўзбекистон Республикасининг 1966—1975 йилларда туғилган ва чақириқдан қолдириш ҳуқуқи бўлмаган фуқаролари ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 23 сентябрь.

РОССИЯДАН ХАТ

ЎЗБЕКЛАРНИ МЕН БИЛАМАН

Республикамиз Президенти Ислом Каримов номига жуда кўплаб мактублар келиб турибди. Россия Федерациясининг Архангельск вилояти Северодвинск шаҳридан меҳнат фахрийси Леонид Степанович Павловнинг қуйидаги мактуби юртбошимиз шаънига ёзилган минг-минглаб номалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ўртоқ Ислом Каримовга.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич!

Агар ушбу шахсий мактубим қўлингизга етиб борса, ажабланишингиз ҳам мумкин. Лекин, уни ўқиб чиқсангиз собиқ Совет Иттифоқининг, эндиликда Россиянинг атом кемасозлиги маркази — Северодвинскда, Оқ денгизнинг олис қирғоқларида яшовчи мен қарияни тўғри тушунасиз, деб ўйлайман. Россия матбуотида мухбирлар билан қилган ажойиб суҳбатингиз қўлимга қалам олишга даъват этди. Суҳбатдаги Сизнинг фикр-мулоҳазаларингиз, ўй ва мушоҳадаларингиз одамлар учун нотинч бўлган ҳозирги даврда газетхонни руҳлантиради, илҳомлантиради, келажакка ишонч туйғусини оширади.

Сиз ўз суҳбатингизда «Оллоҳга шукурки, ўлкамизнинг одамлари меҳнатсевар, замнимиз қаърида хазиналар кўп» деганингизда юз бор ҳақсиз. Назаримда, бу гапларга ўзбек халқининг донолиги ва эзгу ниятлилигини ҳам қўшиш керак. Мен бу гапларни ўз ҳаётий эътиқодимга таяниб айтяпман. Урушнинг оғир йилларида мен ўқиётган Одесса сув транспорти инженерлари институти Самарқанддаги машҳур Регистон ёнига кўчирилган, биз талабалар эса эски шаҳарда, бағри кенг ва донишманд туб ўзбеклар маҳалласида яшагандик. Мен ўша тор кўчаларни ҳамон эслайман. Назаримда, ҳозир ҳам Регистондан то ўртоқларим билан яшаган уйгача кўзимни юмиб топиб борсам керак. Барча яхшиликлар учун, биз, рус ва украин болакайларига кўрсатилган саховат учун ўзбек халқига раҳмат айтгим келади. Машҳур, ажойиб, мазали ўзбек нонлари учун раҳматлар айтаман!

Ўзбеклар орасида деярли икки йил яшаган бир рус сўзларини тўғри тушунасиз деб ўйлайман. Шунинг учун Сизни ўзимизга меҳмонга таклиф этмасдан туролмайман. Агар бизнинг ўлкаларга марҳамат этсангиз, кўп қизиқ нарсаларни, энг муҳими эса Сиз эзгулик, тинчлик ва осойишталик тилаган халқнинг бир қатрасини кўрган бўлардингиз. Биз ҳам ўзбек халқига ана шу истакларни билдирамиз.

Чуқур эҳтиром билан
Леонид ПАВЛОВ,
Меҳнат фахрийси, Россияда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Северодвинск шаҳри.

ФАОЛЛАР ЙИҒИЛИШЛАРИ

* * *

Жиззах вилояти фаоллари йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчилари вилоят ҳокими А. Тошкенбоевнинг «Ўзбекистон Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» рисоласи ва Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн учинчи сессиясида сўзлаган нутқидан келиб чиқадиган вазифалар тўғрисидаги» маърузасини тинглидилар ва муҳокама қилдилар.

Нотиқлар мустақилликнинг ўтган икки йили давомида Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаганлигини қайд этдилар.

Шунингдек, вилоят фаоллари зарбдор меҳнат палласи — октябрь ойида оммавий сафарбарлиқ эълон қилиб, мураккаб об-ҳаво шароитида етиштирилган мўл пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда ҳамжиҳатлик билан меҳнат қилажакларини изҳор этдилар.

Фаоллар йиғилишида республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков қатнашди ва нутқ сўзлади.

Б. РИЗАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Бухорода вилоят фаоллаларининг йиғилиши бўлди. Унда республика Президенти Ислом Каримовнинг Олий Кенгаш ўн учинчи сессиясида сўзлаган нутқида ва «Ўзбекистон—бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» рисоласида ўртага қўйилган вазифалар муҳокама этилди. Вилоят ҳокими Д. Ёдгоров шу ҳақда маъруза қилди.

Йиғилишда сўзга чиққанлар Президентимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш соҳасида белгилаб берган тамойиллари бутун халқ хўжалиги мажмуини барқарор ривожлантириш, халқ фаровонлигини оширишга хизмат қилаётганини, бугунги кунда тинмай изланиш, барча янгиликларни, хорижий технологияни ишлаб чиқаришга жорий этиш, саноатни қишлоққа олиб келиш, маиший хизмат корхоналари очиш асосий вазифа бўлиб қолаётганини таъкидладилар.

Республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов йиғилишда сўзга чиқди.

(ЎзА).

• *Истиқлолнинг муҳим қирралари*

ЎТИШ ДАВРИ ДАСТУРИ

И.А.КАРИМОВ

ЎЗБЕКИСТОН-БОЗОР МУНОСАБАТЛАРИГА ЎТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЙЎЛИ

Хўжалик юритишнинг янги, ўзига хос йўлини шакллантириш давр талабига айланди. Шу билан бирга унинг мушкулотлари, муаммолари, ютуқ ва нуқсонлари намоён бўлмоқда, юзага келган бундай ҳолатни зукколик билан енгиб ўтиш талаб этилади.

Таниқли олим, иқтисод фанлари доктори, профессор М. МИРСАИДОВнинг қуйида берилаётган мақоласи истиқлол йўлининг муҳим қирраларини кашф этаётган Республикамиз Президенти И. Каримовнинг қатор китоблари ва нутқларида илгари сурилаётган ғояларни амалга ошириш ва ҳаётга татбиқ этишнинг муҳим жиҳатлари ҳақидадир.

Президент Ислом Каримов ўзининг олимлар, маданият ходимлари, ёзувчилар, сайловчилар, жойлардаги меҳнат жамоалари билан учрашувларида, ҳамдўстлик мамлакатлари раҳбарларининг анжуманларида сўзлаган нутқларида Ўзбекистоннинг ўзига хос янгиланиш йўли борлиги ҳақида кўп таъкидлайди. Ислом Абдуғаниевич бу билан нафақат назариётчи, балки, янги жамиятнинг, республика халқ хўжалиги мажмуининг, мустақил Ўзбекистоннинг барча соҳалардаги амалиётчиси, ислоҳотчиси ва ташаббускори бўлиб майдонга чиқмоқда.

Яқинда чоп этилган ва омма томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинган «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» номли китоб Ўзбекистон мустақиллиги икки йиллиги тантаналари билан уйғунлашиб кетди. Тарихий ўзгаришлар, аниқроғи, барча сиёсий ва халқ хўжалиги соҳаларида туб ислоҳотларни амалга ошириш ниҳоятда кўп қатламли ва барча давлат учун ҳам оғир жараён ҳисобланган. Айтиш мумкинки, жаҳон янги даврга қадам қўйди. Бу даврнинг ўзига хос белгилари, бир томондан, давлатлар ва халқлар ўртасида яқинлашув жараёнлари ва ҳамкорликнинг кучайиши, яхлит сиёсий ва иқтисодий маконларнинг вужудга келиши, ягона халқаро меъёрлар, қоидалар ва андозаларга ўтиш бўлса, иккинчи томондан империя типидаги тизимлар ўрнида ёш мустақил давлатларнинг пайдо бўлишидир.

Шу ўринда ўз-ўзидан иккита муаммо юзага чиқади. Биринчидан, мустақилликка эришган давлатларнинг эски қолиплар асосида ишлай олмаслиги билан боғлиқ масала бўлса, иккинчидан, янги жамиятнинг янги ислоҳ қилинадиган йўли қандай бўлиши керак, деган муаммо.

Масалага холис назар ташлайдиган бўлсак, биринчи муаммо ечимини тарихнинг ўзи ҳал қилганини ва унинг иккинчи муаммо билан унча боғлиқлиги, қолмаганини кузатиш мумкин. Шу ўринда бир нарсани унутмаслик лозимки, тарихий тажрибалардан кузатилишича, ҳеч қачон янги жамият бўш жойда, очиқ ерда қурилмаган. Бу шуни кўрсатадики, ҳар қандай ислоҳ, ҳар қандай янги, ўзига хос йўл аввалги тартиблардан, тузилмалардан бутунлай узилган ҳолатда бўлиши мумкин эмас.

Демак, ҳар қандай ислоҳ ўтмиш тажрибаларига таянган ҳолда амалга оширилиши лозим.

Президент Ўзбекистонни демократик ҳуқуқий давлат сифатида оёққа туриши ва шаклланиши концепцияларини, асосий қоидалари ва иқтисодий йўналишларини, бозор иқтисодига ўтишнинг барча тамойилларини, олиб борилиши лозим бўлган ички ва ташқи сиёсат шаклларини «Ўзбекистон — бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» номли китобида аниқ кўрсатиб берган. Муаллифнинг таъкидлашича, «гап бозор муносабатларига ўтишда ўхшаши бўлмаган, бетакрор яхлит андозамизни ишлаб чиқиш, ўз йўлимизни танлаб олиш ҳақида бормоқда». Бу йўл уч таркибий қисмдан иборат:

биринчиси, ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиёти миллий андозаси моҳияти тавсифи;

иккинчиси, қатъий марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизимидан хўжалик юритишнинг бозор муносабатларига асосланган йўлига ўтишнинг энг муҳим принциплари;

учинчиси, иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг, тангликдан чиқиб олишнинг, барқарорликни ва муҳим ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашнинг аниқ йўналишлари...

«Ўтмишдан қолган мерос ва иқтисодий ислоҳотлар зарурияти» номли бўлимда муаллиф иқтисодий мустақилликка эришиш йўлида бирқанча объектив қийинчиликларни енгиб ўтиш, СССРнинг тарқалиб кетиши натижасида яккаҳокимлик тизимидан мерос бўлиб қолган муаммолар мажмуини ҳал этиш, айни пайтда ёш мустақил давлатнинг шаклланиши, қарор топишида муқаррар равишда вужудга келадиган бир қатор муаммоларга тўхталади.

Иқтисодий сиёсатни ўз қўлига олган марказ Ўзбекистон ҳудудида тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўл қўймаган ва уни том маънода хом ашё базасига айлантиришга уриниб келган ва кўп йиллар буни уддасидан чиққан ҳам. Бу билан республикамизнинг жуда кўп миқдордаги ер ости ва ер усти бойликлари талаб кетилди. Шунинг билан бирга қанчадан-қанча маҳсулотлар, хом-ашё материаллари олиб кетилишига қарамасдан аҳолининг яшаш шароити киши билмас оғир даражага тушиб қолди. Ушбу нашрда таъкидланишича, — «иқтисодий муаммолар демографик ҳолатда юзага келган аҳвол билан қўшилиб, ижтимоий масалаларнинг ҳал этишини ғоят долзарб қилиб қўймоқда. Ўзбекистонда аҳолининг турмуш даражаси энг паст бўлиб қолди. Маълумотларга қараганда, 1990 йилда республика аҳолисининг 70 фоизга яқинининг жами даромади тирикчилик ўтказиш учун зарур бўлган энг қуйи даражадан паст эди .

Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш жуда масъулиятли вазифани — ўтмишдан мерос бўлиб қолган иллат ва нуқсонларни бартараф этишни зиммамизга юклади. Бунинг учун иқтисодий ислоҳот зарур бўлди, хўжалик юритишнинг янги, ўзига хос йўлини шакллантириш давр талабига айланди. Президент республикада олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг ўзаги сифатида беш тамойилни алоҳида таъкидлайди. Дарҳақиқат, бу беш асосий тамойил Ўзбекистон давлат қурилиши ва иқтисодиётини ислоҳ қилиш дастурининг ўзагидир. Уларнинг моҳияти қуйидагича:

Биринчидан, иқтисодий ислоҳотлар ҳеч қачон сиёсат ортида қолмаслиги керак. У бирор мафкурага бўйсундирилиши мумкин эмас. Бунинг маъноси шуки, иқтисодиёт устун туриши керак...

Иккинчидан, давлат бош ислоҳотчи бўлиши лозим. У ислоҳотларнинг устивор йўналишларини белгилаб бериши, ўзгартиришлар сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни изчиллик билан ўтказиши шарт.

Учинчидан, қонун-қоидаларга риоя этиш устивор бўлиши лозим. Бунинг маъноси шуки, демократик йўл билан қабул қилинган янги Конституция, қонунларни ҳеч истисносиз ҳамма ҳурмат қилиши ва уларга оғишмай риоя этиши лозим.

Тўртинчидан, аҳолининг демографик таркибини ҳисобга олган ҳолда кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш...

Бешинчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш объектив иқтисодий қонунларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда, ўтмишдаги, «инқилобий сакрашларсиз», яъни эволюцион йўл билан, пухта ўйлаб, босқичма-босқич амалга оширилиши керак.

Бизнинг фикримизча ўтиш даврида иккинчи тамойил жуда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам муаллиф уни алоҳида бўлим сифатида ажратган. У «Давлат иқтисодий ўзгартиришларнинг ташаббускори ва бош ислоҳотчиси» деб аталади.

Жаҳон тажрибасининг гуворлик беришича, давлатда иқтисодни умумий тарзда юритишнинг уч йўналиши бор.

Биринчи ҳолатда: фақат иқтисодиётни юксалтириш асосий диққат марказида туради ва олиб борилаётган иш тезлашади.

Иккинчи ҳолатда: иқтисодга қарши сиёсат олиб борилади ва у инқирозга учрайди.

Учинчи ҳолатда: давлат иқтисодни юксалтиришни маълум йўналишлар асосида ривожлантиришга интилади.

Сўнгги ҳолат якуний натижада энг мақбули ҳисобланади. Шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, иккинчи ва учинчи ҳолатларда иқтисодий ривожланиш жараёнида жуда катта меҳнат ресурслари ва сарф-харажатларга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида ҳуқуқий-демократик давлат қуриш, кўп босқичли иқтисодни юзага келтириш ва босқичма-босқич бозор иқтисодига ўтиш жараёнида бошқарувнинг Президент кўрсатиб берган ва таклиф қилган йўли янги давлатнинг асосий бошқарув ўзагини ташкил этади.

Жуда қисқа муддат ичида иқтисодий жараён барқарорлигини сақлаб туришга қодир мустаҳкам ҳуқуқий база яратилди. Республика шу туфайли халқаро валюта жамғармаси, жаҳон банки, Европа ривожланиш ва тараққиёт банки, Халқаро меҳнат ташкилоти, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш жамияти ва бошқа ташкилотларга аъзо бўлди. Республика ўзига кенг миқёсда хорижий инвестицияларни жалб қилмоқда. Қўшма корхоналар, фирма, компаниялар тузилмоқда. Буларнинг барчаси халқаро талабларга жавоб берадиган, ҳуқуқий давлат актлари асосида юзага келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси бизнинг фикримизча Ўз Президентининг оқилона сиёсати туфайли иқтисодий барқарорликка эга бўлиб турибди. Мавжуд ҳисоб-китобларга қараганда, ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг сақланиб турган нисбий баланси уч баравар қисқарган. Йирик саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг 1992 йилга нисбатан ишлаб чиқарган маҳсулотлари 12 фоизга кўпайган. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу ижобий ҳодисаларнинг барчаси собиқ СССР таркибидаги давлатларнинг инқирози пайтида рўй беряпти.

Давлат ўз сиёсатини ва иқтисодий сиёсатини турлича ишлаб чиқиши ва қўллаши мумкин. Фақат иқтисодий жараёнларни умумий бошқариш учун, уларни йўлга солиб туриш учун солиқ, кредит ва бюджет сиёсатларини ниҳоятда пухта ташкил қилиш керак бўлади. Мана шу сиёсат орқали иқтисод секин, ўрта ва тезкор даражаларга эга бўлади. Улар қандай юритилиши иқтисодга катта таъсир кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси айни вақтда якка тартибдаги иқтисоддан кўп тармоқли иқтисодга — бозор иқтисоди сари юксалмоқда. Бу жараёнлар кетаётган вақтда суст кузатувчи бўлиб туриш мумкин эмас. Ў фақат хўжалик юритиш шаклларини яратиб бериш эмас, балки уларни юритишда, амалиётга жорий этишида ҳам, социал-иқтисодий жараёнлар асосида юргизишда ва бошқаришда ҳам ташаббускор бўлиши керак. Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон—бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» номли китобида шу ва шу каби муаммолар ҳамда муҳим масалалар қамраб олинганки, улар алоҳида қиммат-га эгадир.

М. МИРСАИДОВ,
иқтисод фанлари доктори, профессор, Ўз ХДП аъзоси.

«ПАХТА—93»

РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИ

ҚАРШИ («Ўзбекистон овози» мухбири). Китоб туманидаги «Зарафшон» давлат хўжалиги пахтакорлари давлат қабул пунктларига 500 тонна ўрнига 570 тонна юқори сифатли «оқ олтин» топшириб, йиллик режани ошириб адо этдилар.

Далаларда ҳосил кўп. Йиғим-терим суръати тобора ошмоқда. Зарафшонликлар бутун имкониятларини ишга солиб, ялпи хирмонни 1000 тоннадан оширишга аҳд қилдилар.

ҲОСИЛ ЧУҒИ ЧАККИ ЭМАС

Қўриқ Жиззах вилоятининг Арнасой ва Мирзачўл туманлари пахтазорларига терим машиналари олиб чиқилди.

Республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков Арнасой туманидаги 14-а« ижара ширкатлар уюшмасининг 4-бўлими, Мирзачўл туманидаги «Ўзбекистон» ижара ширкатлар уюшмаси далаларида бўлди. Пахтакорлар билан суҳбат чоғида вилоятда ҳосил чўғи чакки эмаслигидан мамнуннят билдирилди, эндиги вазифа уни ёғин-сочинли кунларга қолдирмай йиғиштириб олишдан иборат экани, бунинг учун эса барча имкониятлардан фойдаланиш зарурлиги таъкидланди.

Пахтакорлар билан суҳбатда вилоят ҳокими А. Тошкенбоев қатнашди.

(ЎзА).

• *Дала айлангандаги таассуротлар*

ҲАММА ПАХТА ТЕРСА...

Агар Сурхондарё вилоятида қишлоқда яшовчи ишлашга қобилияти бор деб топилган ҳар бир одам бир тоннадан пахта терса, вилоятнинг пахта тайёрлаш режаси 120 фоизга бажарилади.

Бу йил бир тонна пахта териш кўп қийин иш эмаслигини ҳамма яхши билади. Чунки билағонлар вилоятда 1993 йил — пахта йили бўлди, дейишмоқда. Бу гапга далил сифатида қуйидагиларни айтамиз: Қумқўрғондаги «Қумқўрғон» жамоа хўжалигининг болалар боғчаси ходими Қобилова Зулайҳо ҳашарга чиқиб 200 килограммдан пахта термоқда. Хўжаликда ҳозир ҳашарчилар 300 нафарга етди. Қатордан четда қолмайин деб раис Бурхониддин Султоновнинг ўзи ҳам беш кунда 150 килограмм пахта терди.

Сатторжон деган шофёрнинг ғайратини айтинг: илгари «ҳашар — элга яраша» деганга ўхшаш шиорларга кулиб юрадиган бу одам ҳар килограмм пахтага 25 сўмдан иш ҳақи берилаётганидан илҳомланибми —55 ёшида юз килограммчи теримчи деган ном олди. Хўжалик бошқаруви унинг шижоатини гаражда тўхтаб ётган машинасига битта аккуммулятор бериш билан тақдирлади. Яна бир гап: шу хўжаликнинг Қоржов Ваитов бошлиқ звеносига қарашли 10 гектарли майдондан биринчи теримнинг ўзида 30 тонна пахта териб олинди.

Хуллас, жанубда пахта йиғим-терими кун сайин авж олмоқда. Шеробод туманидаги В. Қодиров номли хўжаликда машина терими бошланди. Жарқўрғонлик пахтакорлар етиштирган ҳосилларини чамалаб кўриб, ҳалитдан режага кўшимча 15 минг тонна пахта йиғиб-териб олишга қарор қилдилар. Денов туманидаги «Ҳазорбоғ» давлат хўжалиги пахтакорлари эса 35 иш кунида режани бажарамиз, деган қарорга келдилар.

Сурхондарё пахтакорлари бу йил карвоннинг бошида бўлиш нияти билан меҳнат қилмоқдалар.

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Косон туманидаги қўриқ Абдулла Набиев номли 38-жамоа-ширкат хўжалиги механизаторлари Қашқадарё вилоятида биринчи бўлиб машина теримини бошлаб юбордилар.

— Чўлқуварларимиз ҳар йили техникага таяниб пахта тайёрлаш режасини биринчилар қатори уддалайдилар, — дейди жамоа-ширкат хўжалиги бош ҳосилоти Нусрат Раҳмонов. — Ўтган йили пахтанинг деярли ҳаммаси машиналар бункеридан тўкилганди. Бу йил ҳам илғорликни қўлдан бермаймиз.

МАШИНАЛАР ИШГА ТУШДИ

Машина теримини Қўчқор Жўраев бошлиқ 2-ширкат механизаторлари бошлаб бердилар. Мазкур ширкатнинг 18 гектарли пайкалида 5 та терим агрегати юксак унум билан ишлатилмоқда.

Мавсумда 90-100 тоннадан пахта теришга ахд қилган Холиқ Жўраев, Эшқобил Жўраев, Тўйчи Холниёзов, Тўлқин Боборажабов, Шуҳрат Девонаев сингарилар дастлабки кунларданоқ эл хирмонига 4,5—5 тоннадан пахта топширмоқдалар.

— Бу йил ялпи хирмонни 2,5 минг тоннага етказамиз, — дейди жамоа-ширкат хўжалиги кенгаши раиси Жўра Ғаффоров. — Бунинг учун далаларда етарли пахта ҳосили бор. Эндиги мақсад — уни нест-нобуд қилмай қисқа вақтда йиғиб-териб олиш ва 1 октябрга қадар маррани эгаллашга қаратилган.

Пахта майдонимиз қўриқ ерда жойлашгани учун ҳам ишчи кучи кам. Мавсум давомида 25 та терим агрегати ишлайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йилги пахта ҳосилини йиғиб-териб олишга тайёргарликни тугаллаш ва уни уюшқоқлик билан ўтказиш тадбирлари тўғрисидаги қарори механизаторларнинг кучига-куч, ғайратига-ғайрат қўшмоқда. Биз ўз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб механизаторларнинг ҳар тонна терган пахтасига 1000 сўмдан ҳақ тўлаяпмиз.

Мусо КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ОҚ ОЛТИН» ХИРМОНИГА

Республика вилоятларида пахта тайёрлашнинг бориши тўғрисидаги шу йил 27 сентябрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Вилоятлар	Бир кунда	Мавсум бошидан	Шу жумладан машинада терилгани: Бир кунда	Мавсум бошидан
Хоразм	2,29	37,63	0,21	0,58
Сурхондарё	2,73	32,39	1,74	9,71
Бухоро	2,93	27,10	0,47	1,59
Қорақалпоғистон Республикаси	2,35	18,35	1,24	4,60
Фарғона	2,25	13,10	0,12	0,36
Қашқадарё	1,85	10,60	0,80	3,14
Андижон	1,83	9,52	0,00	0,00
Навоий	1,19	6,75	0,00	0,00
Наманган	1,10	3,47	0,00	0,00
Тошкент	0,41	2,55	0,00	0,00
Жиззах	0,27	0,55	0,10	0,19
Самарқанд	0,21	0,46	0,00	0,00
Сирдарё	0,11	0,39	0,00	0,00
Республика бўйича:	**1,63**	**13,17**	**0,30**	**1,77**
Шу жумладан ингичка толали пахта				
Сурхондарё	2,04	20,16	0,00	0,00
Наманган	0,30	1,75	0,00	0,00
Қашқадарё	0,31	1,23	0,00	0,00
Андижон	0,00	0,00	0,00	0,00
Бухоро	0,00	0,00	0,00	0,00
Навоий	0,00	0,00	0,00	0,00
Республика бўйича:	**1,63**	**15,65**	**0,00**	**0,00**

ВАЪДАГА ВАФО

Яқинда Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов барча вилоят ҳокимлари ҳамроҳлигида Бухоро вилоятига ташриф буюрганди. Ўшанда йўлйўлакай Жондор туманидаги Тошқул Ҳотамов номли жамоа хўжалигидаги Акрам Ботиров бошлиқ бригада далаларида ҳам бўлди. Уста пахтакор Президентимизга ваъда бериб ўн кун муддат ичида пахта тайёрлаш йиллик режаси адо этилажагини айтганди. Сўзининг устидан чиққан бригада бошлиғи бу тўғрида 26 сентябрь куни рапорт берди. 50 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 34 центнердан ҳосил топширилди.

Бу муваффақиятларга кўпминг килограммчи теримчилардан Дилрабо Тоғаева, опа-сингил Майрам ва Зулфия Ботирова, Жамила Мажидова, Нилуфар Шарипова кабилар баракали ҳисса қўшдилар.

Бригада пахтакорларининг орзуси катта. Улар топширилдиган ялпи ҳосилни 300 тоннага етказиб, ҳосилдорликни гектар бошига 60 центнердан оширишмоқчи.

Агар кўзланган мақсадга эришилса, бригада жамоасининг пахтачиликдан оладиган даромади 70 миллион сўмдан ошаркан. Бу эса ҳар бир пахтакор 1 миллион сўмдан иш ҳақи олади, деган гап.

Нусратилла НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Мингбулоқ районидаги «Андижон» давлат хўжалиги пахтакорлари жорий йилда 2650 гектар ерга барака уруғини қадашган эди. Шу кунларда хўжаликда «оқ олтин» йиғим-терими қизғин давом этмоқда.

Дарвоқе, бу ерда ҳосилнинг тезроқ етилиши учун олдиндан чора-тадбирлар кўрилганди. Хўжалик бош муҳандиси Турғунтош Отабоев бошлиқ мутахассислар гуруҳи яратган янги мослама ёрдамида ғўза барглариннинг остки ва устки қисми бир ишлов даври мобайнида олтингугурт эритмаси билан тўлиқ зарарсизлантирилди. Натижада ғўза барглари тез тўкилиб, пахта қийғос очилди.

СУРАТДА: ихтирочи муҳандис Т. Отабоев.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

ЯНГИЛИКЛАР ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР

„БИЗ КИМ, МУЛКИ ТУРОН..."

ДЕМОКРАТЛАР ДАЛАГА ЧИҚИШАДИ

● АШГАБАТ. Туркманистон Демократик партиясининг оғир молиявий аҳволини (мамлакатда ягона партия) инобатга олиб, унинг ранси — давлат Президенти Сапармурод Ниёзов ҳар бир район бўлимига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш учун юз гектардан ер ажратиб берди.

Энди далада кимлар меҳнат қилади? Деҳқонларми ёки партия ходимларими? Ҳар ҳолда бу тадбир фойдадан ҳоли эмас.

БОЖХОНА ХИЗМАТИ ҲАҚИ ОШИРИЛДИ

● БИШКЕК. Қирғизистонда мамлакатга олиб келинаётган ва олиб кетилаётган барча моллар учун божхона тарифлари оширилди.

Жумладан, олиб келинаётган нефть маҳсулотларига унинг умумий баҳосидан келиб чиқиб, 20 фоиз миқдорида бож солиғи белгиланган. Республикадан ташқарига чиқариладиган металлар учун умумий қимматидан келиб чиқиб, 70 фоиз миқдорида ҳақ тўлашга тўғри келади.

ҚОЗОҒИСТОННИНГ ЯНГИ УЙ-ЖОЙ СИЕСАТИ

● АЛМАТИ. Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев «Янги уй-жой сиёсати тўғрисида»ги фармонни имзолади.

Бозор муносабатларидан келиб чиқиб амалга оширилаётган бундай бурилиш, дейилади ушбу ҳужжатда, бюджет ажратмалари ҳисобига бунёд этилган уй-жой биноларини тақсимлашнинг аввалги тажрибасидан воз кечиб, маблағсиз фаолият кўрсатиш тартибида фуқароларнинг ўзлари меҳнат қилиб топган маблағлари эвазига уй-жойлардан фойдаланиш хизматига босқичма-босқич ўтишдан иборат. Лекин давлат ҳар иккала ҳолатда ҳам фуқаролар, айниқса кам даромадли аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлайди.

ЧЕГАРАГА ҲАМЛА ҚИЛИНДИ

● ДУШАНБЕ. Тожикистон Миллий хавфсизлик давлат қўмитасидан олинган маълумотларга қараганда, Панж чегара отрядининг 8-заставасига яқинда бир киши чегара тўсиқларини ёриб ўтган.

Ёриб ўтилган жойда олиб борилаётган қидирув ишлари натижа бермаётир. Бундан ташқари Панж чегара отрядининг 12-заставаси Панж дарёсининг нариги қирғоғидан йирик калибрли пулемётдан ўққа тутилган. Россия чегарачилари жавоб ўти очиб, оловли нуқтани йўқ қилдилар. Чегарачилар орасида қурбонлар бўлмади.

ҚИРҒИЗИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ МУРОЖААТИ

● БИШКЕК. Қирғизистон Президенти Асқар Акаев барча қирғизлар номидан республикада яшовчи славянларга республикани тарк этиб кетмасликлари ҳақида мурожаат қилди.

Унинг ташаббуси билан қирғиз — Россия (славян) университети очилиши маросимида нутқ сўзлаган давлат раҳбари ана шунга даъват этди. Кўчиб кетиш нафақат уларнинг турмушини қийин аҳволга солади, балки қатор машаққатларни келтириб чиқаради ва айни чоғда Қирғизистоннинг кўп миллатли ягона халқи учун ҳам ташвиш туғдиради.

МУҲИМ МАСАЛАЛАР

● АЛМАТИ. Қозоғистон Республикаси Олий Кенгашининг навбатдаги сессияси биринчи босқичини октябрь ойида, иккинчи босқичини эса декабрда ўтказишга қарор қилинди.

Депутатлар муҳокамасига қўйиладиган муҳим масалалар талайгина. Улар орасида иқтисодий ислоҳот ва хўжалик қурилиши муаммолари муҳим ўринни эгаллайди. Халқ нойиблари 1994 йилга мўлжалланган давлат бюджетини муҳокама қилишади, мудофаа саноати, нефть конларидан фойдаланиш, республика транспорти билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқадилар.

Ижтимоий тараққиёт ва қонунчиликни мустаҳкамлаш масаласи ҳам сессия кун тартибига киритилган. Депутатлар қозоғистонликлар нафақасининг энг кам миқдорини, меҳнат таътили муддатини белгилайдилар.

МАДАНИЯТ КУНЛАРИ

● АЛМАТИ. РАТА — ТАСС мухбирининг хабар беришича, Россия Федерацияси Бош вазири Виктор Черномирдин Россия Федерацияси маданияти кунлари очилишида иштирок этди.

Маросимда Россиянинг кўпгина таниқли ижодий жамоа ва санъат усталари қатнашдилар. Мазкур тадбир шу йил баҳорида икки давлат ўртасида мамлакатлараро маданий алоқаларни ривожлантириш тўғрисида имзоланган битимга биноан амалга оширилди.

ХОТИН-ҚИЗЛАР СЕМИНАРИ

● БИШКЕК. Яқинда ЮНЕСКО раҳбарлигида Марказий Осиё мамлакатлари оммавий ахборот воситаларида ишлайдиган хотин-қизлар семинари бўлиб ўтди.

ИЎҚОЛИБ ҚОЛГАН КИЙИМЛАР

● АЛМАТИ. Бир пайтлар ғарбий қисмларда хизмат қилувчи шўро аскарлари учун тикилган анчагина ҳарбий кийим-кечаклар «йўқолиб қолган» эди. Улар кутилмаганда Қозоғистоннинг Жамбул вилоятида пайдо бўлиб қолди.

72 вагон ҳарбий кийим-кечак бу ерга Германиядан инсонпарварлик ёрдами сифатида келтирилганди.

Уларнинг Германиядан Жамбулга қандай қилиб келиб қолгани ҳақида бир нарса дейиш қийин. Кўриниб турибдики, деб ёзади «Казахстанская Правда» газетаси, кейинги пайтларда Россия матбуотида бир неча марта хабар қилинганидек, бу баъзи «ишбилармон» ҳарбий бошлиқларнинг найранглари билан боғлиқдир.

(Марказий Осиё давлатлари ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

ЯНГИЛИКЛАР ВОҚЕАЛАР ХАБАРЛАР

• 1 октябрь—Халқаро қариялар куни

МУАЛЛИМЛАР ОНАСИ

Сафимизда шундай табаррук инсонлар борки, уларнинг бутун ҳаётн ёшлар учун мактаб бўлиши мумкин. Пойтахтимизнинг Абдулҳай Тожиев кўчасида саксон саккиз баҳорни кўрган бир онахон яшайди. Мен бу табаррук инсон ҳақида ХДП шаҳар кенгашида эшитгандим. Нега айнан партия идорасида дейсизми? Гап шундаки, 1928 йилдан буён партия сафида бўлган Ҳамида Тожиева 1991 йилда биринчилар қаторида Ўзбекистон ХДП сафига кирган. Яшириб нима қиламиз, ёши ўтган қарияларимиз орасида «Шунча йил КПСС сафида бўлдик, энди қўя қолайлик» деганлари ҳам учради. Биз Ҳамида она билан суҳбатимизни шу мавзудан бошладик.

— Нега қариганда бу партияга ўтдингиз дейсизми? Болам, мен ўз эътиқодимга умрбод содиқ бўлай дедим. Ахир не-не одамларимиз Ўзбекистон мустақиллигига етолмай армонда кетишди. Халқ демократик партияси эса 1991 йилда, мамлакатимиз мустақиллиги меваси сифатида туғилди.

— Сиз яшаётган кўча Абдулҳай Тожиев номи билан аталаркан. У киши билан фамилиядошмисиз ёки?..

— Эҳ, у одам менинг туғишган акам бўладилар, — онахон узоқ-узоқларга тикилиб суҳбатни давом эттирдилар. — Сиз қайси газетаданман дедингиз? «Ўзбекистон овози»данми? Партия ва давлат арбоби Абдулҳай Тожиев «Қизил Ўзбекистон»га муҳаррирлик қилганлар. Аслида фирқа сафига кириб, фаоллик қилишимизга акамнинг таъсири кучли бўлган. У киши менга «Ўзбекистон обод бўлиши учун кўплаб кадрлар тайёрлашимиз, ўқитишимиз керак» деган гапни қайта-қайта такрорлардилар. Шунинг учун болаларимни ҳам, невараларимни ҳам муаллимлик касбини эгаллашга даъват этдим. Худога шукур, оиламизда яхши авлод етишиб чиқди.

Абдулҳай Тожиев ҳақида кенгроқ маълумот олиш учун Ўзбек қомусининг 11-жилдини варақладим. Аввал журналистика соҳасида, сўнг давлатнинг олий бошқарув идораларида ишлаган миллатимиз фидойиси машъум 1937 йилда қатағон қурбони бўлган. Ўттиз саккиз ёшида Михаил Иванович Калинин билан сафдош бўлган юртдошимиз омон қолганида Ўзбекистон учун қанча хизмат қилган бўларди?

— Гоҳ-гоҳида мактаблардан учрашувларга таклиф қилиб туришарди. Акангиз ҳақида гапириб беринг деб. Энди қариб қолди, деб ўйлашди, шекилли. Майли, омон бўлишсин ҳаммалари. Шундай эркин замонга етиб келдик-ку..., — дея шукрона ўқийди онахон.

Мен эса бу бағри кенг онанинг киши билмас гинасини ўзимга, ёшларимизга қабул қиламан. Рост-да, биз кейинги пайтларда кексаларимизга андак эътиборсиз, камҳафсала бўлиб қолдик. Ахир шулар эсмаси бизнинг камолимиз учун тунларни беҳаловат ўтказган. Мана, Ҳамида она хонадонига бир назар ташлайлик. Катта ўғли Ботир Ниғмонов 1953 йилдан буён муаллимлик қилиб келади. Уям онаси билан бир кунда ХДП сафига кирган. 1973 йилдан то нафақага чиққан 1991 йилгача учта мактабда директорлик қилиб келди. Унинг фидокорона меҳнатларини «Мустақиллик нишони» билан ўнлаб фахрий ёрлиқлар баҳолаб турибди.

Ҳамида она 1923 йилда хотин-қизлар маорифи институтини биринчилар қатори олтин медаль билан битирганида, ёшларга таълим берганида нафақат ўғли, балки невараларн ҳам таълим-тарбия соҳасидан кетишини ўйлаганмикан! Шу Ботирнинг фарзандлари Гўзал 304-мактабда кимё—биологиядан, Дилором 123-мактабда бошланғич синфларга, Сабура 23-мактабда математикадан, Борихон Низомий номидаги пединститутда жисмоний тарбиядан дарс бермоқда. Ана шунча муаллимларга онахонлик қилган табаррук зотга ҳар қанча таъзим қилсак арзийди.

Шуҳрат ЖАББОРОВ,

СУРАТДА: Ҳамида она Тожиева онла даврасида.

Умарали ҚУШВОҚОВ олган сурат.

ОҚСОҚОЛ

Саксон баҳорни қаршилаган бўлса-да, ҳамон кексаликка бўй бермаган, қадди-қомати, юриш-туриши, гап-сўзи дадил, шижоатли бу инсонни зоминликларнинг каттаю кичиги ҳурмат қилади, тўй-маъракаларида эъзозлаб, даврининг тўрига ўтказади, ўзларини қийнаган муаммолар хусусида маслаҳат солиб, йўриқларига амал қилишади.

Бу иззат-икромларнинг боиси шундаки, халқ тили билан айтганда Ўрозали раис эсини таниб-дикки, эл хизматида.

10 ёшларида ота-онасиз қолган, кишилар эшигида чорикорлик қилиб ўсган, ўттизинчи йиллардан бошлаб, биринчи жамоа хўжаликларининг ўтидан кириб, сувидан чиққан, алал оқибатида меҳнаткашлиги, ҳалоллиги, жонкуярлиги, халқпарварлиги туфайли 25 ёшида ўзи туғилиб ўсган, Қутчи ва Оқтош қишлоқлари ҳудудидаги Наримонов номли жамоа хўжаликка раис қилиб сайланган. Шундан эътиборан қўл учида кун кечираётган хўжаликнинг елкасига офтоб тегди. Ўрозали раиснинг ташаббуси билан пахта экиладиган бўлди, чорвачилик йўлга қўйилди. Уч йилда хўжалик оёққа турди, аъзоларининг рўзғори тўкис бўлди. Ёш, уддабурро раиснинг кейинги ўн йил умри «Социализм», «Пахтаобод» деб аталган қолоқ хўжаликларни тиклашга кетди. 50-йилларга келиб иқтисодий ночор хўжаликлар Наримоновга бирлашди. Ўрозали Мамараҳимов якдиллик билан раис этиб сайланди. 1957 йилда жамоа хўжаликлари давлат хўжалигига айлангач, директор муовини, бўлим бошқарувчиси бўлиб ишлади...

— Очиғини айтганда, келажакка ишончимиз баланд эди, — дейди отахон, — жонимизни жабборга бериб, елиб-югурардик. Нима қилсак халқ учун қилдик. Қишлоқларни ободонлаштириб, йўқдан йўндиргандек мактаб, клуб, боғча қурдик.

Ҳа, Ўрозали раис куч-қувватга тўлган йилларда Наримонов номли хўжаликнинг яйловларида 1500 бош қорамол, 800 бош йилқи, 16,5 минг бош қўй боқилгани рост. Арпанинг гектаридан 32, буғдойдан 28 центнердан ҳосил олингани ҳам афсона эмас.

— Элдан ортиқча емадик, ичмадик, иморат қурмадик, — дейди фахрий раис, — нима топсак давлатга топширдик, халқнинг қорни тўйсин, усти бут бўлсин, дедик. Ҳозир юртбошимиз И. А. Каримовнинг қилаётган ишларини кўриб ўйлайманки, халққа берилаётган бугунги эркинликлар, ғамхўрликлар эмас.

— Эрдам ортиқча емадик, ичмадик, иморат қурмадик, — дейди фахрий раис, — нима топсак давлатга топширдик, халқнинг қорни тўйсин, усти бут бўлсин, дедик. Ҳозир юртбошимиз И. А. Каримовнинг қилаётган ишларини кўриб ўйлайманки, халққа берилаётган бугунги эркинликлар, ғамхўрликлар ўша пайт бўлганда элимизнинг остонаси тилладан бўлиб кетарди. Лекин, давлат хўжалиги пайтида одамлар ишдан чиқиб қолди, ишлаш ўрнига раҳбарнинг, ҳисобчининг, ғазначининг йўлини пойлайдиган, бир нарса ундириш пайида идорама-идора чопадиган одат чиқарди. Бизнинг замонларда хаёл қилиб бўлмайдиган фермерлик, ижара, деган нарсалар бошланди. Зора шуларнинг шарофати билан одамлар меҳнатга бўйин эгиб, ўзи еб, ўзгаларни ҳам едирса...

Ота бу гапларни беҳуда тилга олгани йўқ. Бугунги иқтисодий ўзгаришлардан яхши хабардор. Оқсоқол ташкил этган, оёққа турғизган хўжалиги ўрнида бугун Эргаш Холматов номли жамоа ширкат хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Бир неча йилдирки, шу хўжаликка ўғли раҳбар. Бундан беш йиллар муқаддам шу тумандаги «Ленинград» давлат хўжалигида директорлик қилаётган Ўктам Ўрозалиевни ҳамкишлоқлари қўярда қўймай ўзларига олиб келишган.

Отанинг тадбиркорлиги, ишбилармонлиги боласига ҳам юққан. Директор иқтисодий ислоҳотларни изчиллик билан амалга оширмоқда. 1400 гектар ғалла майдони 4 кишига 10 йилга ижарага берилган. Бу йил гектаридан 10 центнердан ошириб ҳосил олинди. 314 гектар узумзор 14 кишига, 114 гектар боғ 4 та звенога, 118 гектар бедазор 2 звенога, 28 гектар майдондаги картошкаю сабзавотлар 5 та звенога бўлиб берилган. Чорвачилик фермаси 2 та бўрдоқичилик ва 1 та сутчилик жамоа пудрати ширкатига ажратилган. Қишлоқ ичимлик суви билан таъминланган, бу йил 5 километрга газ қувури ётқизилди, қишлоқларни тўлиқ газлаштириш тадбири кўрилаётир. 12 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатиб, хўжаликка мадад бўлмоқда.

Шу хилдаги ибратли ишларни амалга оширишда ота ўғлига яқин маслаҳатчи, маънавий кўмакдош.

— Зоминда эски раислар, раҳбарлар кўп. Лекин, Ўрозали Мамараҳимовнинг обрўси баридан баланд. Сабаби нима? — дея сўрадим Ўзбекистон ХДП Зомин тумани кенгашининг биринчи котиби Шавкат Жамоловдан.

— Отанинг таржимаи ҳолини кўрсангиз, у кишининг раислиги энг қийин замонларга тўғри келади. Қимматчилик, уруш... Мана шу даврда ўзига қарашли қишлоқларни бир оиладек асраган, бирорта хонадоннинг қаровсиз қолишига йўл қўймаган. Йўлини топиб, боққан, едирган, кийдирган, ёмон йиллардан эсон-омон олиб чиққан. Халқ мана шуни унутмайди. Эслайди, эъзозлайди.

Бахтиёр РИЗАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Ёзувчи минбари

МАЪНАВИЯТ НОНДЕК МУҚАДД

Азал-азалдан мустақиллик дунё халқлари учун буюк неъмат ҳисобланиб келган. Эгаменлик, боқимсизлик нон каби улуғдир. Шу боис озодлик сўзини одам оғзини тўлдириб айтади. Туркистон халқлари, хусусан, ўзбеклар озодликка, мустақилликка муносиб халқ. Чунки боболаримиз мелодий сананинг ўзида 120 дан ортиқ давлат қуришган, кейинги икки минг йил ичида 15 ҳоқонлик (империя) барпо этишган. Ўзбек ўзгани ҳурмат қилишни биладиган, ўзи яримта нон еса ҳам бутунини меҳмонга узатадиган халқ.

Москвада таҳсил олган йилларим халқимизнинг камсуқумлигидан, ўз ҳақини талаб қилишни ҳам билмаганидан ўкинардим. Бугун мен англаб етган ҳақиқат шуки, халқнинг куч-қудрати бақириш-чақиришда эмас, вазминликда, юксак маданият эгаси бўлишда экан.

Халқчилликнинг (демократия) ватани Шарқ, Туронзамин эканлигини дадил айтаман. Эрамиздан олдин, яъни 4—5 минг йил бурун сайлов ўтказиб, ҳоқон сайлаган халқ ўзимизнинг аждодларимиз эди. Ҳозир демократиянинг отасиман, деган баъзи қитъалар ҳали кашф этилмаган пайтда ҳар бир инсоннинг ҳуқуқини ҳимоя қиладиган институтлар бор эди бизда. Ислом дини — энг халқчил дин. Лекин динни сиёсат қуролига айлантирмоқчи бўлган баъзи кимсалар аввало Аллоҳга хиёнат қиладилар.

Инсон учун нақ маънавият ҳам сув зарур. Уларни бир ажратиш фожиага лади. Фақат овқат ган одам Навоий ўқимай қўйиш ай билан мен мустақил тимиз учун маънавия каби бирдамчи демоқч Маънан юксак хал буюк ишга қодир бўл

Мустақиллик осон қўлга киритилган йўқ. тақиллик ҳали гўдак. ди йўлга кирди. Бу й кўпчилик ўйлаганчалик кис эмас. Мустақилли гўдак. Уни ота-она ўз зандини асраганн каби райлик!

Мен мустақиллик а сида қизлик бўлдим. яхши ният билан Тур ка деб исм қўйдим.

ҚИЗИМ ТУРОНБЕКАГА ТИЛАКЛАРИМ

Туронбека қизим, тонг бека қизим,
Имкон бека қизим, донг бека қизим.
Ишонч бека қизим, шон бека қизим,
Жаҳон бека қизим, жон бека қизим.

Она юрт Туркистон, бобо юрт Турон,
Иккисин юраги-ки Ўзбекистон.
Минг йиллар мулкидан бу мулки осмон,
Хазон каби сўлди, кўб бўлди сарсон.

Истиқлол, истиқбол сўзи эгизак,
Халқнинг ҳаққа боққан кўзи эгизак,
Тенгдошинг кунюзли истиқлол билан
Адангнинг суйгани — қизи эгизак.

Кўзга яқин қизим, ўт чақин қизим,
Барчага тенг боқмоқ ўз ҳаққинг, қизим.
Ҳануз омон кўзи ёмон кимсалар,
Кўз тегмасин, кўзга боқ, боққин, қизим.

Сен икки ёшдасан, йўл бошидасен,
Истиқлол юрагин нақ қошидасен.
Улғайгил, жон қизим, мунғаймагил
Ватан, отанг, онанг бардошида сен.

Бобомнинг кафтидек келади дунё
Борасан нотекис чизиқлар аро.
Сени қарши олар, гоҳ қиш, гоҳо ё:
Ун минг йиллик тарих бобомдан ме

Туронбека қизим, тонг бека қизим,
Имкон бека қизим, донг бека қизим
Ишонч бека қизим, шон бека қизим
Жаҳон бека қизим, жон бека қизим.

Тўра МИРЗО,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюш
котиби, Ўзбекистон Ёзувчилар ую
маси тарғибот маркази бошқон

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ ЁЗАДИЛАР

● Янги корхона

ЙИЛИГА 20 МИЛЛИОН ШПРИЦ

● НАМАНГАН (вилоят мухбиридан). Гуллар шаҳрида йилига 20 миллион дона шприц ишлаб чиқарувчи завод иш бошлади. Давлат муасассаларига 2 ва 5 граммли бир марта фойдаланиладиган шприцлар туркуми жўнатилди.

Ҳиссадорлик ташкилотлари маблағи ҳисобига қад ростлаган мазкур корхона қурилишига вилоят ҳокимлиги бош бўлди. Барча қурилиш, жиҳозлаш ишлари наманганлик бинокорлар ва мутахассислар томонидан адо этилди. «Ижодкор» агрофирмаси бош буюртмачи бўлган мазкур корхона қурилишига 500 миллион сўмлик маблағ сарфланди. Бу қурилишга Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши 100 миллион сўм ажратди.

Фарҳод ЙЎЛЧИЕВ.

● Анъаналар

ЧЎЛДАГИ ШАҲАР ТЎЙИ

● НАВОИЙ (вилоят мухбиридан). Маликчўлда илк пойдевори эллигинчи йиллар охирида қўйилган Навоий шаҳри ўзининг 35 йиллик юбилейини нишонлайди.

Шу муносабат билан 84 миллат ва элат вакиллари яшаб, меҳнат қилаётган кимёгарлару саноатчилар шаҳрида байрамолди тадбирлари ўтказилмоқда. Шаҳар юбилейига ҳамдўстлик мамлакатларидан ҳам кўплаб меҳмонлар келиши кутиляпти. Ҳозир Навоийда ишлаб чиқарилган кимё ўғитлари, нетрон сунъий толаси, кенг истеъмол моллари валюта ҳисобида ҳорижий мамлакатларга ҳам чиқарилмоқда. Байрамга Навоий кон-металлургия комбинати билан Навоий «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳомийлик қилмоқда. Улар ҳозирча 5 миллион сўмликка яқин маб ўтказишди. Маданият саро ри, ўйингоҳ ва сайилгоҳла байрамга тайёргарлик ав да.

Музаффар ШАРОПО

КЎПНИКИ КЎПГА ЧИДАЙДИ

⊙ «Маҳалла» хайрия ж ғармаси Самарқанд вил бўлими республика му қиллигининг икки йил муносабати билан 1. нафар фахрий ва ногир ларга мурувват кўрса Чиройли ҳалтачага сол ган совғада гуруч, чой, кар, қуюлтирилган сут бошқа зарур озиқ-ов маҳсулотлари бор.

Чинни заводи эса «Маҳалла» жамғармаси д ёзилган 6 мингта чойнак, воқ ва пиёла тайёрлади. буюмлар вилоятдаги маҳал қўмиталарига бепул тарқат лади. Шаҳар ва туман ҳок миятлари ҳам маҳаллалар етарли даражада идиш-тово лар билан таъминлаш чора ни кўришаётир. Кўпники к га чидайди, деб бежиз а тишмаган.

Фармон ТОШЕВ.

● Қардошлик

«ҚИМИЗ-ҚУМРОН» САЙИЛИ

● «Тошшаҳарйўловчитранс» қарамоғидаги «Абай» жамоа хўжалигида ўзига хос байрам бўлди. Қуйи Чирчиқ туманининг барча хўжалик жамоалари Ўзбекистон мустақиллигининг икки йиллигига бағишланган қозоқ миллий байрамини хўжалик боғида ўтказишди.

— Туманда 47 миллатга мансуб аҳоли бир оила фарзандларидек яшаб, меҳнат қиладилар. Дўстлик, тенглик, бир-бирига нисбатан ҳурмат ва ҳамкорлик иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда асосий омил бўляпти. Байрам тантаналарида ҳам бу биродарлик туйғулари яққол кўзга ташланади, —дейди Қуйи Чирчиқ тумани ҳокими Рустам Каримов.

«Қимиз-қумрон» сайилини ташкил этишда «Тошшаҳарйўловчитранс» ва «Абай» жамоаси ўзаро ҳамкорлик қилишди. Турон замин халқларининг шодиёнаси келин салом ва чавандозлик сайили билан якунланди.

Суҳроб АЛИЕВ.

«ЭКОСАН» ЯНГИЛИКЛАРИ

САЛОМАТЛИК ПОЕЗДИ

● Республика экология ва саломатлик жамғармаси эл-юрт саломатлиги йўлида учинчи бор саломатлик поездини сафарга жўнатди. «ЭКОСАН» — «Соғлом авлод учун» сўзлари битилган беш вагондан иборат бу кўчма шифохона ва илмий муассаса Бухоро, Навоий вилоятлари томон йўл олди.

Республикамизнинг экологик танг аҳволдаги минтақалари — Оролбўйи, Қорақалпоғистон, Сурхондарё, Қашқадарёнинг ўн минглаб кишилари саломатлигига мададкор бўлган жамғарма уюштирган поезд жаҳонда ягонадир.

Саломатлик поезди бошлиғи, республика Санитария эпидемиология хизмати бош шифокори ўринбосари Нуриддин Отабоевнинг айтишича, икки ҳафта мобайнида юқори малакали шифокорлар табобат хизмати кўрсатадилар.

ҲАМКОРЛИК ҚУЛОЧ ЕЙМОҚДА

● «ЭКОСАН»нинг 15 мамлакатда бўлимлари очилди. У халқаро экологик жамғарма сифатида тан олинди. Фақатгина АҚШнинг 7 та штатида унинг бўлими ишлаб, олиму фузалоларнинг эътиборини минтақамиз тиббий муаммоларига қаратмоқда.

* * *

● Шу кунларда Германиянинг Ганновер шаҳри атроф-муҳит муҳофазаси ташкилоти раҳбари Герхард Майер бошчилигидаги делегация «ЭКОСАН» жамғармаси таклифига биноан Ўзбекистонга ташриф буюрди.

Меҳмонлар минтақамиздаги экологик жараёнларни кўриш, биргаликда тадқиқотлар олиб бориш, аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ниятидалар. Тошкент Давлат 2-тиббиёт институти «ЭКОСАН» жамғармаси бўлимида ва санитария—гигиена факультетида бўлиб ўтган учрашув ва ўзаро фикр алмашувда кўплаб муаммолар устида қизиқарли мунозаралар бўлди. «Экосан» жамғармаси раиси профессор Юсуфжон Шодиметов, 2-Тиббиёт институти ректори Ҳамид Каримов Германия Оролбўйи минтақаси аҳолисига биринчилардан бўлиб катта ҳайрия ёрдами кўрсатгани ва бу ёрдам давом этаётганини мамнуният билан таъкидладилар. Ганновер билан «ЭКОСАН» жамғармаси ҳамда 2-Тиббиёт институти ўртасида ўзаро мутахассислар алмашиш режалари тузилди.

Маъмур НАЗАРОВ.

Дам олиш куни «Баҳор» концерт залида Тошкент шаҳар тиббиёт ходимлари жам бўлдилар. Пойтахтнинг 11 туманида ўтказилган «Ҳамшира—93» кўриги ғолиблари шаҳар биринчилиги учун беллашдилар. Мутасаддилар конкурсни «Соғлом авлод учун» шиори остида бошладилар. Аслида ҳам бу тадбир юртимизнинг ҳар томонлама соғлом авлод яратиш ишига ҳамоҳанг бўлди.

Саҳнада шаҳарнинг 11 моҳир ҳамшираси. Кўрик дастурига турли саволлар ва топшириқлар киритилди. Мутахассислик бўйича саволлар, оила бекаларига хос бўлган топшириқлар ва эркин мавзудаги чиқишлар. Маълумки, тиббиётда ширинсуханлик, хушмуомалалик керак. Тиб илмининг асосчиси Ибн Сино ҳам даволашнинг «бул сифоти»ни алоҳида таъкидлаб ўтган. Шу боисдан мутахассислик бўйича саволлар фақатгина муолажагагина тааллуқли бўлмади. Кўрикнинг иккинчи турида ҳамширалар чақалоқ белаш, бешикка солиш, пазандалик каби синовларда куч синаштдилар. «Мен санъатни севаман» мавзусидаги чиқишлар ҳам қизиқарли бўлди. Жумладан, Маъмура Эргашева «Майсаранинг иши» киносидан қўшиқ, Меҳрихон Холиқова хоразмча лапар. Сабоҳат Абдуллаев «Ёр боқади» қўшиғини ва Мавлуда Абдурасулова «Алла» ашуласини ижро этишганида йиғилганлар қизғин олқишладилар.

• «Ҳамшира—93» танлови

ҒОЛИБА ТУРКИЯГА БОРАДИ

Шайҳонтоҳур тумани касалхонаси ҳамшираси Камола Ҳасанова кўрик ғолиби деб топилди. Бектемир туманидан Гулбаҳор Бурҳонова, Мирзо Улуғбек туманидан Сабоҳат Абдуллаева иккинчи ва учинчи ўринларни эгалладилар. Айтиш жоизки, кўрикда мағлублар бўлмади. Тадбирни ўтказишда шаҳарнинг барча туман ҳокимиятлари, республика «Маҳалла», «Наврўз» жамғармалари, «Совпластитал», «Малика», Чкалов номидаги ишлаб чиқариш бирлашмалари ва яна кўплаб корхона, ташкилотлар ҳомийлик қилдилар. Камола Ҳасановага Туркияга бепул саёҳат йўлланмаси, 250 минг сўм пул ва яна бир қанча қимматбаҳо совғалар топширилди. Ушбу кўрикни ўтказиш учун жами 5 миллион сўмлик харажат қилинди.

«Баҳор» концерт залида ҳамширалар, шифокорлар билан бирга Соғлиқни сақлаш вазири Шавкат Каримов, вазир муовини Қулаҳмад Ризаев ҳам иштирок этишди.

Ҳамшира кўриги илк бор ўтказилди. Бу билан кейингиларига катта йўл очилди, десак, хато бўлмас.

Ҳусан ЭРМАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• Иш билганга—минг танга

«САЙЁР»—МУСТАҚИЛЛИК МЕВАСИ

...Самарқанд қурилиш ва меъморчилик институтининг ўқитувчиси бўлиб ишлаган Шавкат Иброҳимов 1987 йилда ажойиб ташаббус билан чиқди. У ўз жамғармаси ҳисобидан «Қурувчи» деб номланган хусусий қурилиш корхонасини очди. Кичик корхона эгалари ўз имкониятларини чамалаб кўришгач, дастлаб Самарқанд туманидаги «Гулистон» жамоа хўжалиги ҳудудидан 3,5 гектар ер олишди. — У пайтларда анжомлар ҳам, техника ҳам анчагина арзон нархда эди. Бир оилага мўлжалланган, икки қаватли бинолар лойиҳаси тайёрланди. Биринчи уйнинг пардозлаш ишлари ниҳоясига етгач, одамларга маъқул тушди. Харидорлар кўпайиб кетди.

Айниқса, Самарқанддаги олий ўқув юртларининг профессор-ўқитувчилари бундай хайрли ишдан мамнун. Тадбиркорлар қурган тайёр иморатларни нақд пулга сотиб олишди. Баъзиларга эса енгиллик ҳам берилди. Яъни, уйнинг ўттиз фоиз ҳақини бир йўла, қолганини 25 йил давомида тўлашга ҳар икки тараф рози бўлди.

— Баъзи қурилиш ташкилотлари моддий қийинчиликлар олдида иккиланишяпти. Сизда аҳвол қандай? — сўраймиз «Сайёр» фирмаси президенти Шавкат Иброҳимовдан.

— Албатта, шарт-шароит, мавжуд иқтисодий аҳвол пухта ўрганилиши керак. Масалан биз 17-ғишт заводининг бир қисмини ижарага олиб анча-мунча фойда қилдик. Шундан кейин шаҳримизнинг шинам даҳаларидан бирида жойлашган Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши тасарруфидаги 100 ўринли ётоқхонани беш йил муддатга ижарага олдик. Бинони замонавий услубда ўз кучимиз, ўз маблағимиз билан қайта таъмирладик. Бунинг учун аввал ёғочсозлик устахонаси очдик. Таъмирлаш жиҳозлари ана шу устахонада тайёрланди. Ётоқхона меҳмонхонага айлантирилди.

Ҳа, иш билганга кенг имкониятлар яратиш, сунъий тўсиқларни олиб ташлаш вақти етди. Чунки Ўзбекистон сайру саёҳатларни ривожлантириш учун ажойиб имкониятларга эга. Буни Президентимиз Женевадаги катта анжуманда ҳам алоҳида таъкидлаганди. Бизнингча, Самарқанддаги «Сайёр» фирмаси каби ташкилотчи, тадбиркор жамоалар тармоғини кенгайтириш ҳар жиҳатдан фойдали. Ахир «Иш билганганга минг тенг» деган нақл бор-ку.

Абдусаид НУРБОЕВ,

СУРАТДА: фирма президенти Ш. Иброҳимов.

ЛОЙИҲА

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИНИ ЯРАТИШГА ДОИР НУҚТАИ НАЗАРИ

а-Ватанимиз — Ўзбекистон халқимизнинг асл фар-лари юз йиллар давомида жон фидо қилиб келган ий орзу — миллий мустақилликка эришди. Миллий лол, иқтисодий фаровонликни таъминлаш, ижтимоий ий тараққиёт, маънавий равнақнинг ўзига хос йўли-нлаб олган ўлкамизда замонавий, инсоний турмуш нинг шарт-шароитлари вужудга келтирилмоқда. Чу-, бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш, унинг ккаб қийинчиликларга тўлиб-тошган даврида фуқаро-ш ишончли ижтимоий муҳофазалаш, жамият сиёсий арувининг салоҳиятли тизимларини яратиш, юз бе-ан ўзгаришларнинг кўлами ҳамда миқёсларига мо-маънавиятни ҳосил қилиш жабҳаларида дадил қа-ар қўйилмоқда. Ўзбекистонда кўппартиявийлик, сиёсий фикрлар хилма-хиллиги меъёрий ҳолга айланмоқда. биллик асосида, хорижий кузатувчиларнинг холисо-штирокида мамлакат Президентининг умумхалқ сай-лари ўтказилди. Мустақил Ўзбекистоннинг умумхалқ камаси, халқаро мутахассисларининг талабчан сино-н ўтган биринчи Конституцияси қабул қилинди. Ўз-стон жаҳонга танилмоқда, у жаҳонни ўзи учун кашф қда. Юртимизда миллий тотувлик ва фуқаролар осо-галигининг барқарорлиги ҳукм сурмоқда. Жаҳон, қ ва ислом дунёси маданий-маърифий хазинасига бе-ҳисса қўшган ал-Форобий ва ал-Хоразмий, ал-Фар-й ва Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино ва ия ал-Бухорий, ат-Термизий ва Аҳмад Яссавий, Ба-дин Нақшбанд ва Амир Темур, Мирзо Улуғбек ва шер Навоий, Бобур ва Машраб, Нодира ва Бердах буюк алломалар қолдирган маънавий меросимиз тик-юқда.

ёримизда чинакам инсоний, демократик ва адолат-ли жамият, ҳуқуқий давлатчиликни бунёд этишга кириш-шилди.

Ушбу бош мақсадга эришиш учун зарур бўлган ҳал қилувчи омиллардан бири — миллий истиқлол мафкура-сини яратиш ва уни ҳаётга татбиқ этишдир. Мафкура-мизнинг асосий мазмуни, моҳияти ва вазифалари партия-миз Дастурида, ХДП Раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов асарлари, маъруза ва нутқ-ларида ифодаланган. Шу билан бирга, уларда баён этилган қондаларни тараққиётимизнинг муттасил ўсиб борувчи та-лаблари асосида ривожлантириш, унинг барча қўламлари ва жиҳатларини аниқлаш фаолиятимизнинг долзарб маса-ласига айланди.

Бизнинг мафкурамиз, авваламбор, халқимиз асрлар давомида орзу қилган, ҳамиша интилиб келган мустақил-лик, эркинлик, ижтимоий тенглик, меҳнатни улуғлаш, она заминга меҳр-муҳаббат, инсонпарварлик каби ҳаётбахш ғояларни ўзида мужассамлаштиради. У инсониятнинг, ав-лод-аждодларимизнинг кўҳна ва бой маънавий хазинаси дурдоналари, илғор анъаналари, урф-одатларига, диёри-мизда яшовчи барча миллат ҳамда элатларнинг тарихи, тили, маданияти, эътиқоди, дини, расм-русумларини ҳурмат қилишга таянади.

Мазкур мақсад ва вазифалар қуруқ сўз бўлиб қол-маслиги, баландпарвоз, пуч шиорларга айланмаслиги учун мустаҳкам иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маънавий за-миннинг яратилиши талаб этилади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси, шу боис, милл-лий истиқлол мафкурасининг асосий йўналишлари ва уни ҳаётга татбиқ этишнинг йўллари ҳамда воситаларига оид ўз нуқтаи назарини қуйидагича ифодалайди.

ИҚТИСОДИЙ СОҲАДА

озор муносабатларига, мамлакати-хусусиятларини ҳисобга олган ҳол-босқичма-босқич ўтиш миллий мус-иллигимизни мустаҳкамлаш, истиқ-миз истиқболларини таъминлаш-ҳал қилувчи шарти, масъулиятли имизнинг тарихий талаби эканлиги-фуқароларнинг аксарият кўпчилиги нидан идрок этилиши ҳамда бу йўл-собитқадамлик билан борилиши, **«Иқ-дий ислоҳотларга — кенг йўл!»** шио-и олға суриш. Мулкчиликнинг хилма-лиги, меҳнаткашни мулк соҳибига антириш, ишлаб чиқарувчининг якка амлигига чек қўйиш, самарадор со-тизимини жорий этиш асосида одам-да меҳнатсеварлик, ташаббускорлик, биркорлик, ишбилармонлик каби хис-ларни шакллантириш. Фақат иқтисо-муносабатларни инсонийлаштириш али кишиларни ижтимоий боқиман-ик, ишёқмаслик, енгил-елпи йўллар ан бойлик орттириш, талон-торож-к, лоқайдлик иллатларидан халос қи-, жиноятчиликнинг турли-туман ллари пайини қирқиш.

озор иқтисодиётида пайдо бўлиши кин бўлган ҳуружларни, пала-пар-ликларни жиловлаб, унинг ижтимо-йўналганлигига доимийлик бахш ш мақсадида давлатнинг ихтиёрида қ хўжалигининг муҳим тармоқлари-сақлаб қолиш ва унинг имкониятла-ан фуқароларнинг манфаатларини ҳи-қилишда самарали фойдаланиш.

ашқи иқтисодий алоқаларда халқи-манфаатдорлигининг устиворлигини обга олиб, бошқа давлатлар, хусусан. ни мамлакатлар билан тенг ҳуқуқ-ўзаро фойдали ҳамкорликни йўлга иш.

ИЖТИМОИЙ СОҲАДА

Ҳар бир фуқарога эркин, ижодий ва маҳсул меҳнат қилиш шароитларини тиш ҳамда жамиятнинг барча аъзо-и учун имкониятлар тенглиги, бир-ллигини кафолатлаш. Меҳнатга лаё-лиларни ишсизликдан ҳимоя қилиш-г замонавий тизимини вужудга кел-риш. Ёш авлодни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этиш, уни тарбиялаш-нинг энг таъсирчан, устивор йўналиши, деб билиш. Кишиларни иш билан таъ-минлашда халқимизнинг турмуш тарзи-ни, унинг туғилиб ўсган заминга содиқ-лигини, болажонлигини ҳисобга олиш.

Аҳолининг кам даромадли ва ночор қатламларини — кўп болали оилалар, нафақахўрлар, ногиронлар, қаровсиз кимсалар, етим-есирлар, бева-бечоралар, ўқувчи ва талабаларни ҳозирги ўтиш даврининг мураккаб шароитларида ижтимоий ҳимоялашнинг энг зарур чора-ларини мунтазам кўриб бориш.

Халқимизнинг аксарият кўпчилиги қишлоқда истиқомат қилишини назарда тутиб, унинг меҳнат ва турмуш шароит-ларини яхшилашга алоҳида эътибор бериш, жойларда саноат ишлаб чиқаришининг янги-янги корхоналарини вужудга келтириш.

Халқ маорифи, ўрта махсус ва олий таълим, соғлиқни сақлашнинг замонавий тизимларини шакллантириш билан бирга ҳар бир жамият аъзоси учун уларнинг текин ва пулли хизматининг юксак сифатини кафолатлаш. Хотин-қизларнинг жамиятда эркаклар билан амалдаги тенг ҳуқуқлилигини таъминлаш, уларнинг мавқеини юксалтириш, оналик билан замонавий маданият даражасидаги ижтимоий фойдали фаолиятнинг уйғунлашиши учун тегишли омилларни муҳайё этиш, оналик ва болаликни муҳофазалаш ишларини такомиллаштириш, соғлом авлодни шакллантириш йўлидаги саъй-ҳаракатларни кучайтириш, ёш оилаларнинг оёққа туриши ҳамда мустаҳкамланишини доимий қўллаб-қувватлаш. **«Оила равнақи — жамият, давлат равнақи!»** эканлигини ижтимоий ҳаётимизнинг муҳим қоидаси, деб билиш.

Мамлакатимиз миллий истиқлоли истиқболлари талабларига мос ёш авлодни вояга етказиш — ижтимоий сиёсатимизнинг асосий вазифаларидан бири эканлигини ҳамиша ёдда тутиш.

Меҳнат ва уруш фахрийларини эъзозлаш, ҳурматини жойига қўйиш, уларнинг бой ҳаётий тажрибасидан янги жамият барпо этиш йўлида оқилона фойдаланиш, кекса авлод тўғрисида ғамхўрлик қилишни янада кучайтириш.

Жамият, давлат, жамоа, оила ва шахс манфаатлари уйғунлигига эришиш.

Халқимизнинг барча тоифалари, яъни ишчилар, деҳқонлар, ҳунарманд-косиблар, зиёлилар, хизматчилар, ҳарбийлар, хотин-қизлар, ёшлар, юртимиздаги жами миллатлар ва элатларнинг анъанавий тинч-тотувлиги, осойишталиги, аҳиллиги ва ҳамкорлигини кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, диёримизда ҳукм сураётган ижтимоий мувозанатни сақлаш. **«Тинчлик, барқарорлик, осойишталик — энг катта бойлигимиз!»** эканлигини омма онгига сингдириш.

Ижтимоий адолат қоидаларини поймол этувчиларга, жамиятдаги барқарорликка раҳна солувчиларга қарши аёвсиз курашиш. **«Ижтимоий адолат — инсонпарвар жамиятимизнинг пойдевори!»** чақириғига ҳамиша содиқ бўлиш.

СИЁСИЙ СОҲАДА

Демократик жамиятни барпо этиш. Юксак онг соҳиби, сиёсий жиҳатдан етук ва уюшган халқни ҳуқуқий давлат ҳокимиятчилигининг бирдан-бир ишончли манбаи, мустаҳкам таянчи ҳамда ҳушёр назоратчиси деб билиш. Халқнинг жамият ва давлат ишларини идора этишда бевосита ҳамда ўзининг сайлаб қўйилган вакиллари орқали иштирок этиши. Мамлакат фуқаролари ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг қонун олдидаги тенгликларини кафолатланиши.

Давлат ҳокимиятини жамият сиёсий тизимининг етакчи бўғини, деб ҳисоблаш. Ўзбек миллий давлатчилиги тарихий анъаналари ва жаҳон илғор тажрибасига таяниб, дунёвий, ҳуқуқий давлатни барпо этиш. Унинг халқ иродасини ифода этишга, фуқаролар манфаатларига хизмат қилишига эришиш.

Давлат ва ижроия ҳокимиятларининг президентлик тизимини кучайтириш ҳамда маҳаллий ўз-ўзини бошқаришни жорий этиш.

«Демократия — сиёсий ҳаётимизнинг асосий шарти!» хитобини доимо ёдда тутиш.

Бозор муносабатларига ўтиш, янги жамиятни бунёд этиш даврида давлатнинг бош ислоҳотчи эканлигини тан олиш, унга қатъий риоя этиш, жамиятда қонуннинг устиворлигини таъминлаш, Конституция, давлат рамзларига, Президентга ва ҳокимият идораларига фуқароларнинг ҳурматини шакллантириш.

Фикрлар хилма-хиллигини, кўппартиявийликни, сиёсий партияларнинг жамиятдаги турли тоифа ва гуруҳларнинг манфаатларини ифодалашини, уларнинг ҳокимият учун сайловларда қатнашишини, ўзларининг унга сайланган вакиллари орқали давлат идораларини тузишлари, бошқаришлари ёки шу ишларда иштирок этишларини демократик жамиятнинг меъёрий ҳолати, деб ҳисоблаш.

Сиёсий партияларни халқ билан сиёсий ҳокимият ўртасидаги муҳим боғловчи бўғин деб қараш. Идора этувчи ёки унда иштирок этувчи сиёсий партияни ҳокимият ва бошқарув тизимларидаги раҳбарлик лавозимларига ўз вакилларини сайлаш, тайинлаш ҳамда улардан чақириб олишларига доир таклиф, тавсиянг бериш ҳуқуқини эътироф этиш, унга риоя қилиш.

Фуқароларнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий, маънавий эҳтиёжларини қондириш ва манфаатларини ҳимоя этишда жамоат бирлашмаларининг фаолият кўрсатишлари учун барча шарт-шароитларни яратиш.

Ўзбекистон Республикасининг жаҳон ҳамжамияти тўла ҳуқуқли аъзоси сифатида халқнинг эзгу мақсадлари, фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминловчи тинчликсевар ташқи сиёсатни амалга оширишини, яхши қўшничилик, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришини таъминлаш.

МАЪНАВИЯТ СОҲАСИДА

Миллий мустақиллик туфайли очилган имкониятлардан фойдаланиб, энг аввало, мустабид шўролар тузуми бизга мерос қилиб қолдирган, маънавий инқироздан қутулиш, **«Миллий истиқлол — энг бўюк мақсадимиз!»** шиорига оғишмай амал қилиш. Истиқболимизнинг кенг ва серқирра кўламларига, улуғвор мақсадларимизга монанд маънавий қадриятлар тизимини вужудга келтириш. Зеро, ҳаётнинг ўзи олдимизга шундай мисли кўрилмаган тақдириломон муаммоларни кўндаланг қилиб қўймоқдаки, уларга тўғри жавоб топмоқ учун маънавиятнинг юксак даражаси талаб этилади. Ушбу ўта муҳим вазифани ҳал этиш учун, биринчи галда, асрлар давомида аждодларимиз яратган буюк маънавий мерос сарчашмаларига мурожаат этиш, мамлакатимиз халқларини, жаҳон афкор оммасини ушбу хазинанинг битмас-туганмас дурдоналаридан баҳраманд қилиш.

Миллий қадриятларимиз, халқимизнинг ўзига хос удумлари ва унинг юксак ахлоқий фазилатлари маънавиятимизнинг ўзагини ташкил этиши. Шунингдек, озодлик, тенглик, инсонпарварлик каби умумбашарий қадриятлар ҳам унинг ажралмас таркиби эканлиги.

Янги жамиятни барпо этишнинг беқиёс омили бўлмиш маънавиятнинг ушбу жараёнда ривожланиб, бойиб, такомиллашиб сайқалланиб бориши. **«Юксак маънавият — миллий равнақимизнинг бош омили!»** даъватини илгари суриш.

Жамият ҳаётининг гултожи, унинг уриб турган юраги — маънавиятнинг асосий қирралари қуйидагиларда ифодаланиши:

— одоб-ахлоқ меъёрларида (инсонийлик, меҳр-оқибат, кексаларга ҳурмат, риоя-андиша, тўғрилик, ҳақгўйлик, инсоф, диёнат, виждон, ҳалол-поклик, саховат, иффат, шарм-ҳаё, иболилик, адолат, раҳм-шафқат).

Илм-фанга ва маърифатга таянишда;

— адабиёт, санъат, бадиий ижод аҳамиятининг муттасил ўсиб боришида;

— миллий ғурурнинг уйғониши, шакланиши ва ривожланишида;

— она табиатнинг эъзозланишида;

— таълим-тарбия ишларининг миллийлик руҳи билан суғорилганлигида;

— исломий қадриятларга ҳурмат, ҳеч қандай диний тасаввурларнинг таҳқирланишига йўл қўймасликда;

— она тилини мукаммал билиш ва қўлланишда ҳамда бошқа халқлар тилларини ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиб беришда.

Миллий руҳиятимизнинг:

— шарқона фазилатлар (вазминлик, камсуқумлик, катталарга ҳурмат, бардошлилик, чидамлилик ва ҳоказо);

— жамоавийликка мойиллик (маҳалла бўлиб яшаш турмуш тарзи, жамоатчилик фикри билан ҳисоблашиш ва ҳоказо);

— вафодорлик, садоқатлилик, мурувват, оилага ғамхўрлик;

— меҳнатни улуғлаш ва бошқа ҳислатларда намоён бўлиши.

Мамлакатимиз истиқболи масъулияти талабларидан келиб чиқиб, миллий маънавиятни ривожлантириш учун:

— ҳар киши ўз қобилияти ва истеъдодини тўла намоён қилишига имконият туғдирувчи замонавий меҳнат, ишлаб чиқариш маданиятини шакллантириш;

— бозор иқтисодиёти талабларига муносиб бўлиш, рақобатчилик шароитида инқирозга учрамаслик ҳислатларини тарбиялаш;

— моддий ва маънавий фаровонлик даражасининг кўрсаткичи—турмуш маданиятини юксалтириш;

— инсоний муносабатлар маданиятини ошириш;

— эзгулик билан йўғрилган ахлоқий маданиятни вужудга келтириш;

— ҳар бир фуқаро томонидан ўзининг ҳуқуқ ва бурчларини чуқур англашни тақозо этувчи, уни шахсий ва ижтимоий манфаатлар йўлида фидокорона ҳаракатлар қилишга ундовчи сиёсий маданият даражасини ҳосил қилиш;

— халқимизни, миллатимизни, республикамизда яшовчи ҳар бир кишининг она-Ватанни чексиз севувчи, унинг буюк келажагига сўзсиз ишонувчи, гуллаб-яшнаши йўлида фидойилик кўрсатишга ҳамиша тайёр, чинакам ватанпарварлар бўлиб етишишига эришиш. **«Эзгулик — инсоний хислат!»** дегувчилар сафини муттасил кенгайтириб бориш.

* * *

МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИНИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШНИНГ АСОСИЙ ЙЎЛЛАРИ ВА ВОСИТАЛАРИ

Миллий истиқлол мафкурасида мужассамлашган мақсад ва вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш йўллари ҳамда воситаларини Ўзбекистон Халқ демократик партияси ўзининг жамиятимиз сиёсий тизимида тутган нуфузли ўрни, мавқеи билан бевосита боғлиқликда кўради.

Бу ҳол, биринчи навбатда, партиямиз Раисининг миллий бирлигимиз рамзи, мамлакатимиз яхлитлигининг тимсоли сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб бутун халқ томонидан сайланганлигида, у орқали дастурий ғояларимизнинг рўёбга чиқиш имкониятлари мавжудлигида ўз ифодасини топмоқда.

Шунингдек, давлатимизнинг Олий Мажлисидан тортиб маҳаллий ҳокимият, Вазирлар Маҳкамасидан энг қуйи ижроия идораларигача аксарият масъул лавозимлар Ўзбекистон ХДП аъзолари томонидан эгаллаб турилганлиги ҳам ниятларимизни муваффақиятли амалга ошириш омилларидан биридир.

Булар бизга кенг имкониятлар яратиб бериш билан бирга, партиямиз зиммасига алоҳида юксак масъулият ҳам юклайди. Бинобарин, Ўзбекистон ХДП мазкур тизимлардаги вакиллари орқали нафақат ўз сиёсатини ўтказади, уларга фаол кўмаклашади, ишончли таянч бўлиб хизмат қилади, балки уларнинг фаолияти устидан мунтазам ва таъсирчан назорат ҳам қилиб боради.

Миллий истиқлол мафкурасини ҳаётга татбиқ этиш истиқболлари мақсадларимизни кенг ёйишни, яъни уларни барча ХДП аъзолари, ҳар бир фуқаро онгига чуқур сингдиришни тақозо этади. Бунинг учун:

Биринчидан, илмий-назарий фаолиятни жиддий негизларга қўйиш ҳамда уни кучайтириш зарур. Зотан, илм-фанга, унинг сўнгги ютуқларига таянмай, илмий асосланган дастур ва режаларни ишлаб чиқмай, кўзланган олийжаноб мақсадларга эришиш, умуман олға силжиш асло мумкин эмас. Бу ўринда фаннинг, хусусан, ижтимоий-гуманитар илм соҳаларининг кенг ривожига эҳтиёж айниқса каттадир. Улар фақат кечаги ва бугунги масалалар билан ўралашиб қолмай, балки эртанги истиқболли муаммоларга кўпроқ эътиборни қаратсалар, ижтимоий тараққиётимизнинг қонуниятлари, унинг долзарб вазифалари, йўл ва воситаларини асослаб берсалар, айни муддао бўлур эди. Зеро, илм-фаннинг асл моҳияти, унинг ижтимоий вазифаси ҳам худди шундадир.

Иккинчидан, ҳар бир партия аъзосини назарий жиҳатдан қуроллантириш, сиёсий етуклигини таъминлаш талаб этилади. Ушбу вазифани амалга ошириш, ўз навбатида, партиянинг салоҳиятли сиёсий ўқувлар тизимини ташкил этишни кун тартибига қўймоқда.

Учинчидан, Ўзбекистон ХДП ғояларини омма ўртасида кенг тарғиб этиш, унда оммавий-сиёсий ишларнинг тажрибада синалган шакл ва воситаларидан (оғзаки ва кўргазмали тарғибот, ташвиқот ва оммавий тадбирлар, яккама-якка ишлаш ва ҳоказо) ҳамда ғоявий-сиёсий, маданий-маърифий ишлар билан шуғулланувчи тегишли давлат муассасалари, шунингдек, жамоат ташкилотларининг имкониятларидан самарали фойдаланиш даркор. Бу мақсадларда партиямиз матбуоти, давлат, жамоат ташкилотларининг оммавий ахборот воситалари, хусусан, телевидение ва радио муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг миллий истиқлол мафкурасига оид ушбу чизгилари тўлалик ва мукаммалликка асло даъво қилмайди. Аксинча, бунн партиямиз Раиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов даъватига жавобан қўйилаётган илк қадам, деб ҳисоблаш керак.

Шу боисдан мазкур ҳужжатга ижодий ёндашиш, уни партия ташкилотларининг тажрибаси билан муттасил бойитиб, ривожлантириб, такомиллаштириб бориш талаб этилади.

Қатор вилоят партия кенгашларининг шу ўзандаги саъй-ҳаракатлари диққатга сазовордир.

Эндиликда ҳамма гап айрим назарий қондаларни ёдлаб олишда, ақидапарастликка берилиб кетишда эмас, балки уларни ҳаётга изчил татбиқ этишда, Ватанимиз миллий истиқлолини мустаҳкамлашдек тарихий ишга Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг муносиб улуш қўшишини таъминлашдадир.

«ЁШ ЕТАКЧИЛАР» КЛУБИДА

Республика Президенти И. А. Каримов томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистоннинг бозор муносабатларига ўтиш модели ёрдамида қандай қилиб пойтахт туманларидан эл манфаати ва ислоҳотлари йўлида хизмат қилувчи иқтисодий резервларни топиш ва фойдаланиш мумкин?

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳузуридаги «Ёш етакчилар» клубининг навбатдаги учрашуви шу мавзуга бағишланди. Бу клуб давлат бошқаруви ва корхоналари ёш раҳбарлари ва мутахассисларини, депутатларини ва тадбиркорларни бирлаштиради. Ҳамза ва Сергели туманлари жамоаларининг иқтисодий резервларни аниқлаш бўйича ўз таклифлари юзасидан мусобақаси учрашувга анча тус берди. Уларга Тошкент шаҳрининг бошқа туманларидан келган ҳамкасблари экспертлик қилдилар.

Ёш раҳбарларнинг ғоялари қай даражада аниқ ва самарадорлигини С. Раҳимов тумани ҳокими Ҳотам Абдураимов шарҳлаб беришда ёрдамлашди. Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашда ва бозор муносабатларига ўтишда ёш раҳбар кадрларнинг ватанпарварлик бурчи алоҳида ўрин тутиши хусусидаги фикрлари билан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг котиби, Тошкент ҳуқуқшунослик институти ректори Акмал Саидов ўртоқлашди.

«Ёш етакчилар» клуби учрашуви мусобақа шаклида бўлиб ўтди. Ижодий фикрлашни фаоллаштиришга қаратилган усуллардан фойдаланилди. Натижада «ғоялар банкига» масалан, туманнинг ишлаб чиқариш корхоналари чиқиндиларидан фойдаланиш ёки савдо ва аҳолига хизмат кўрсатиш «нуқта»лари жойлашган кўча ва майдонларни ободонлаштириш ишига тадбиркорларни қизиқтириш бўйича аниқ-равшан таклифлар киритилди. Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш тадбиркорлигини ривожлантиришда айрим бекор турган бинолардан фойдаланиш тўғрисида ҳам кўпгина таклифлар билдирилди.

Ҳамза тумани солиқ инспекцияси давлат ташкилотларига солиқ солиш бўлими мудири Бахтиёр Бекмуҳамедовнинг таклифи фойдали деб топилди. У корхоналарнинг тўлиқ фойдаланилмаётган молиявий маблағларини қандай қилиб ҳаракатга келтириш мумкинлигини очиб берди. Сергели тумани ҳокимлиги савдо бўлими бошлиғи Бахтиёр Асомов корхоналар ходимлари учун камайтирилган нархларда тушлик тайёрлашда оилавий тадбиркорликдан ва фермерчиликдан фойдаланиш йўлларини кўрсатди. Билдирилган таклифларнинг барчасини учрашув иштирокчиларининг ўзлари баҳолаб бордилар. Баҳолар йиғиндиси бўйича Сергели тумани гуруҳи ғолиб деб топилди.

«Ёш етакчилар» клубида ўрганилган иқтисодий таклифларнинг барчаси Тошкент шаҳар ва туманлари ҳокимликларига юборилади. Иштирокчилар бу учрашувдан нафақат ижодий қониқиш, балки бозор иқтисоди ва ислоҳотлар руҳида янгича ўйлаш, фикрлаш мумкинлиги ҳиссини туйдилар. Республика Олий Кенгашининг масъул ходими Алишер Мусахоний учрашув иштирокчиларининг умумий таассуротини қуйидагича изҳор қилди. «Биз, ёшлар И. А. Каримовнинг китобини доимо чуқур ўрганиб боришимиз, ўз ишимизда ва ўқиб ўрганишимизда ундан ижодий фойдаланишимиз лозим».

К. ЖУМАНИЁЗОВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг парламент иши ва партиялараро алоқалар бўлими мудири.

Суратларда: учрашувдан лавҳалар.

В. МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

• ХДП ҳаётидан •

ДОИМИЙ ИЗЛАНИШДА

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Бўстонлиқ туман Кенгаши партиявий-ташкилий ва тарбиявий ишларни кенг йўлга қўйиш борасида амалий фаолият кўрсатмоқда. Айниқса, партия аъзолари сафларини муносиб кишилар ҳисобига ўстириш бошланғич партия ташкилотлари ва туман кенгашининг муҳим вазифасига айланган. Ҳозирги пайтда саксон олтита бошланғич партия ташкилоти бўлиб, улардаги 2280 ишчи-деҳқон ва зиёли ўзининг партиявий бурчини сидқидилдан адо этишга ҳаракат қилмоқда.

Шу йилнинг саккиз ойи мобайнида юздан ортиқ киши партия сафига қабул қилинди. Айни чоғда саноат корхоналари, жамоа хўжаликлари ва муассасаларида ЎзХДПнинг Низоми ва Дастурини атрофлича ўрганиб, ўз тақдирини партия ҳаёти билан боғлаётган ишчи-хизматчи, деҳқон ва муаллимларнинг сони ошиб бормоқда. Бурчмулла ўрмон хўжалиги, туман давлат солиқ инспекцияси, миллий парк, Товоқсой маиший кимё бирлашмасида ва Ғазалкент ҳудудида янги бошланғич партия ташкилотлари ташкил этилиши Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг обрў-эътибори ошиб бораётганидан далолат беради.

Партия сафларини ўстириш ва партиявий ишлар таъсирчанлигини таъминлаш учун туман партия кенгаши изланяпти. Меҳнаткашлар ўртасида республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш юзасидан партия олиб бораётган юмушлар кенг тушунтирилмоқда. Халқ билан бевосита мулоқотда бўлиш ва уларнинг талаб-эҳтиёжларини қондириш партия Низомида ўз ифодасини топганлиги ҳақида қизиқарли суҳбатлар олиб бориляпти. Бу ишлар яхши натижалар бераётир. Мактабларда партия аъзоларининг сони ўсиб, сифат жиҳатдан яхшиланмоқда. Тумандаги 51 та мактабда 330 нафардан зиёд ўқитувчи ЎзХДПнинг аъзосидир. Яқинда яна йигирма нафар ўқитувчи партия сафига ўтди.

— Биз партиявий-ташкилий ишлар савиясини янада кўтариш учун ҳаракат қилмоқдамиз, — дейди туман партия кенгашининг биринчи котиби Р. Маҳаматов.— Кенгаш ижроия бюроси ва пленумларини Низом талаблари асосида ўз мавридида ўтказилишига алоҳида эътибор беряпмиз. Ҳар бир бошланғич партия ташкилоти билан узвий алоқалар ўрнатилган. Бошланғич партия ташкилотларининг котиблари учун ҳар ойда котиблар куни ўтказилиши йўлга қўйилган. Унда партиявий иш юритишнинг янги услуб ва шакллари билан ўртоқлашадилар, ўзаро тажриба алмашадилар.

Туман кенгашининг ижроия бюроси мажлисида 25 нафардан иборат лекторлар гуруҳи тасдиқланиши ибратли иш бўлди. Улар жойларда мазмунли суҳбат ва лекциялар уюштириб, Республика Президенти И. А. Каримовнинг рисолалари ва Ўзбекистон Олий Кенгашининг XIII сессияси ҳужжатларини тарғиб ва ташвиқ қилишмоқда. Уруш ва меҳнат фахрийларидан Н. Дўйсабоев, Ф. Йўлдошев, И. Азметов, Ҳ. Қорабоев, Қ. Худойберганов, Н. А. Николаева ва бошқаларнинг суҳбат, лекциялари тингловчиларга маъқул бўлмоқда. Шунингдек Бурчмулла қишлоғида ёзувчи ва шоирлар билан уюштирилган учрашув мароқли бўлди. Ҳамид Ғулом, Рамз Бобожонларнинг сўзга чиқишлари қишлоқ аҳлини ҳушнуд этди. Партия аъзолари юртдошимиз, қозоқ халқи ёзувчиси Раҳматулла Райимқулов туғилган кунининг 80 йиллигига бағишлаб Абай номидаги жамоа хўжалигида ўтказилган юбилей тантаналарида фаол қатнашди. Унда Алматидан келган йирик адиблар иштирок этишди.

Туман таъмирлаш корхонаси, «Чинор» чойхонаси, Сойлиқ ва Хондойлиқ қишлоқларида И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон—келажаги буюк давлат» китоби бўйича ташкил этилган учрашувлар фахрийлар томонидан қизғин кутиб олинди. Партия ташкилотлари фахрийлар ташкилотлари билан ҳамкорликда ёшларни ватанпарварлик, меҳнатсеварлик ва халқлар дўстлиги руҳида тарбиялашда ғайрат кўрсатиб ишламоқдалар. Улар миллий қадриятларимизни тиклаш, жиноятчиликка қарши курашда партия ташкилотларининг ўрнини чуқур ҳис қилмоқдалар.

А. РАҲИМБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмасининг аъзоси.

• МИЛЛАТИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

САДОҚАТ ВА ЖАСОРАТ

Исмоил СУЛАЙМОНОВ

«БИЗНИ ФАҚАТ ЎЛИМ АЖРАТАДИ»

50-йилларнинг бошлари. Биз Тошкент дорилфунуни талабалари эдик. Домлаларимиз аксарияти Ўзб. соҳасининг чуқур билимдонлари, зукко, айни пайтда дилкаш одамлар эди. Улар дарсни шундай берилиб ўтказар эдилар-ки, биз қаердалигимизни ҳам унутиб, бутун борлиғимиз билан ўша даврга—айтилаётган воқеа-ҳодисаларга шўнғиб кетардик. Шулардан бири нозиктаъб, ўта маданиятли, мушоҳадаси кенг аёл— Фозила Комил қизи Сулаймонова эди. У бизга бамисоли чарақлаган юлдуздек бўлиб туюларди, муомаласи, муносабати ўта самимий бўлгани туфайлими, ҳар ҳолда оҳанрабодек ўзига жалб этарди.

Мана, ҳаммамиз жой-жойимизда ўтирибмиз. Эшик очилиб биз интиқлик билан кутаётган, меҳр қўйган ўқитувчимиз кириб келди. Одатдагидек дарс мавзуси айтилиб, сўнг асосий гапга ўтилди. Кўп ўтмай Фозила опа нимадандир тоқатсизланаётганлиги сезила бошлади. Аслида ҳар бир сўзни ўрнига қўйиб, чертиб-чертиб гапирадиган одам бугун нечундир гаплари унча қовушмасди. Ҳаммамизнинг кўзимиз унда. Буни сезди шекилли, сўзлашдан тўхтади. Аввалига лаблари титради, сўнг... Бу ёғига бардоши етмади, доскага қараб ўгирилиб олди. Энди унинг елкалари ҳам титрай бошлади.

Билдикки, Фозила опамиз йиғлаяпти. Аслида бардошли инсон ҳозир, талабалар олдида йиғлаётган экан, демак қандайдир ўта кўнгилсиз ҳодиса ёки мусибат юз берган. Биз бирор сўз айтишга ўзимизни ожиз ҳисоблардик. Бу ҳолат қанча давом этди — билмадим. Бир вақт, кўз ёшларини артиб бўлгач, Фозила Комиловна бизга юзланди.

— Кечирасизлар мени, — деди у бироз ҳижолат бўлиб, — ўзимни тутаолмадим. Мен учун даҳшатли воқеа юз берди — Ҳамид акангизни қамаб қўйишди, нималигини билмайман. Фақат шуни айта оламан: қани эди ўзбек деган эл ўғлонидан ҳар ,тўрттасидан биттаси шу киши каби бўлса, халқи учун шу қадар қайғурса... Бу ёғини кейин ўзингиз тушуниб олларсизлар. Вақт кўрсатади, кимнинг ким эканлигини.

У дераза орқали ташқарига назар солганча жимиб қолди. Энтикиб-энтикиб қўяди, чамаси ноҳақликка нисбатан қалбида юз бераётган исён вулқон каби отилиб чиқиш учун кув билан интиларди.

— Худо урганни — пайғамбар ҳам ҳассаси билан турткилар, деган гап бор халқимизда. Рост гап экан, — опа бизга тикилиб, қаради. Яна хаёлга толди, кейин нимагадир ўнг қўлини силтади. — Майли, нима дейишса дейишаверишсин, лекин нима учун сизларга, ҳа, ҳа, фақат сизларга юрагимни очгим келяпти. Ҳозир оиламиз учун ниҳоятда мушкул дамларда негадир сизлар менга энг яқин одамлар бўлиб туюлаяпсизлар. Айтаман, сизларга айтаман... Кўнглингизга келмасин, бордию, бу гаплар кимларнингдир қулоғига етса (ҳозир уларнинг қулоғи айни диккайган пайт, шип этган товушни ҳам илғаб олишиб, истаган оҳангга буришади), Ҳамид акангиз бошига тушган оғир савдо менинг ҳам бошимга тушиши мумкин.

Унгача бўлиб ўтган воқеани баъзан эйтикиб, баъзан босиқлик билан гапириб берди.

Уни тор доирадаги йиғилишга таклиф этишибди. Кун тартибидаги масала: «Халқ душмани Ҳамид Сулаймоновнинг хотини бундан буён дорилфунунда ишда қолиш қолмаслиги масаласи».

— Менимча, — дебди биттаси,— агар ўша бизга ёт мафкурадаги, миллатчи эри билан масалани расмий равишда очиқ қилса, унда яна ўйлаб кўриш мумкин.

— Яъни, ундан ажралишим керак, шундай демоқчимисиз? — сўрайди Фозила Комиловна.

— Жуда тўғри тушунчангиз, — дейди бошқаси совуқ оҳангда.

— Ахир у киши болаларимнинг отаси-ку, нега буни ҳисобга олмайсизлар. Ўғил-қизларимга нима дейман, қандай қилиб улар юзига қарайман.

— Масаланинг бу томони сизнинг ишингиз, оилавий иш. Биз қўяётган масала эса давлат аҳамиятига молик. Буларни фарқ қила билиш керак.

— Ахир унинг айби нима, элини севганлигими, бутун борлиғини унга бахшида этганими?

— Ҳали бирор шубҳангиз ҳам борми? Қизиқ... жуда қизиқ.

— Сизларни билмадим-ку, — дейди шу пайтгача бир чеккада беэрайиб турган бир аспирант, — менинг фикримча, аксилинқилобчи, буржуа миллатчисига шу пайтгача хотин бўлиб келган кишига ёшларимиз тарбиясини ишониб топшириб бўлмайди. Эр-хотин қўш ҳўкиз, деб бекорга айтмаганлар. Уларнинг фикри-мақсади ҳам бир бўлиши мумкин. Биз қаёқдан биламиз, бу кишининг кўнглида не ният борлигини... Менинг таклифим шундай: бундай оиладан чиққан одам учун совет ўқув даргоҳларининг эшиклари бутунлай беркилиб бўлмоғи даркор...

Биз гангиб, ўзимизни буткул йўқотиб қўйгандик. Нималар бўляпти, нега шундай бўляпти? Саволлар.... саволлар. Ўртага чуқур сукунат тушди. Ҳеч ким миқ этмасди.

— Сизларга ишонаман, уларга ишонмайман, диёнатсиз одамлар, — жимликни Фозила Комиловнанинг ўзи бузди. Эндиликда у қаддини тик тутиб, ўша, ҳар доимдагидек чертиб-чертиб гапирарди. — Сизлар менга гувоҳ бўласизлар, — давом этди у, — бизни — Ҳамид акангиз билан мени фақат ўлим ажратади, ажалдан бошқасининг кучи етмайди бунга. Сизларнинг олдингизда баралла айтаяпман бу сўзларни, чунки сизларни ҳаёт ҳали бузмаган, қалбингиз булоқ сувидек мусаффо, ниятингиз пок, дилингиз пок, ўзингиз ҳам поксиз. Билиб қўйинглар, ажалдан бошқасига сўз бермайман.

У бу сўзларни ҳаяжон ва ички бир туғён билан гапирди. Шу боис овози титраброк эшитиларди. Биз бутунлай сеҳрланиб қолгандик...

Фозила Комиловнани Ўрта Осиё давлат университети (ҳозирги Тошкент дорилфунуни)дан ишдан бўшатишди. Ҳамид Сулаймонни келиб қамоққа олиб кетишаётганда уй остонасига борганда орқага қайрилиб, «Ҳар қандай қилиб бўлса ҳам болаларни илмли қил. Хотиржам бўл, менда заррача бўлса ҳам гуноҳ йўқ. Буни ўзинг ҳам биласан». деган гапи Фазила опага бениҳоя муқаддас эди.

Ўша пайтдаги унинг аҳволини хаёлан кўз олдингизга келтиринг: эр халқ душмани сифатида 25 йилга қамалган, ўзи миллатчининг хотини сифатида севган ишидан қувилган, оғзига кучи етмаганларнинг бурчак-бурчакда туриб айтаётган таъна-дашномлари юракка игнадек санчилади. Қизиқ, куни кеча самимий саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрайдиганлар ўзларини четга олабошладилар, улар орасида юз ўгириб кетганлари, ҳазар қилганлари ҳам бўлди. Менинг яқин кишим деб эътиқод қўйганлари бегоналашиб кетишди. Одамлар ётсирарди. Буларнинг ҳаммаси синган кўнгилни тағин ҳам чил-парчин қиларди.

Водариғ! Инсон деб аталмиш олий мавжудодга унчалик кўп умр берилмаган. Авжи етилган, мевага кирган пайтда бу фоний дунёни тарк этади. Кўпинча шундай бўлади. Лекин шу ҳисобли умрни тағин ҳам камайтирадиган, ёруғ дунёни дўзахга айлантирадиганлар уруғи нега камаймайди-а? Нега кўпинча таёқ ақллироқ одамлар бошида синаркин? Нечун «айшини нодон суриб, кулфатни доно тортадур!» Бу ҳаётдеганнинг тегирмон тоши бунчалар ҳам зил-замбил бўлмаса!

Ўша, инсонга қарши, инсонийликка қарши сиёсатнинг аччиқ мевалари эди бу. Баъзи олимларнинг «қизил империя» «оқ империя»га қараганда ўн баробар даҳшатлироқ деган хулосаларига шубҳаси бор кишилар 37-, ундан кейинги 50-йиллардаги қатағонларни, сўнггиси — ҳозирги авлод кўз ўнгида — 80-йилларда юз берган миллатимиз таҳқирланишларини эсласинлар. Компартияга жон ато этиш, СССРни қайта тиклаш илинжида алаҳсираётганлар ҳам эсласинлар. Ҳозирги мустақилликнинг қадрига унчалик етмаётган, ҳаёт деб асосан қорин ташвишини тушунаётган жиғилдон бандалари ҳам эсласинлар. Ҳаммаҳаммамиз ўша мудҳиш кунларни эслаб турайлик, шунда ношукур банда бўлмаймиз.

Камина эса худди шундай қора кунларни бошдан кечирган, туҳмат деб аталмиш оғу ошига тушган бир оиланинг тақдирини, қисман бўлсада, ҳикоя қилиб бермоқдаман.

«ЯНА КЕЛДИМ СИЗНИ СУРОҚЛАБ»

Бутун рўзғор ташвиши, болалар тақдири шу нозиккина Фозила опанинг гарданига юк бўлиб тушди. Ноҳақлик тинмай юракни ўртарди чўғ бўлиб, олов бўлиб. Ҳамид Сулаймоннинг отаси халқ душмани, деб отилганди. Қандай қисмат, қандай кўргилик бу! Баъзан тунлари чўчиб уйғонадиган бўлиб қолди Фозила опа.

«Йўқ, бу ҳолда яшаб бўлмайди. Ўзимни қўлга олишим керак. Ҳамид ака келганларида нима деб жавоб бераман. У киши албатта келади. Гуноҳи йўқ-ку, ахир буни бошқалар билмаса ҳам мен биламан. Болалар учун, домла учун, (Фозила опа ҳали ҳам Ҳамид Сулаймонни шундай деб атайди) яшамоқ ва ишламоқ керак. Бизга тикилган ёмон кўзларга (нега улар кўр бўлиб қолмайди-а) қасдма-қасдликка шундай қилишим керак».

Шундай қарорга келди у. Яхши кишилар ҳамма замонларда ҳам бўлган. Улар ёрдамида маданий-оқартув техникумига ишга жойлашди.

Буни қарангки, опанинг мутахассислиги — Ғарбда адабиёти тарихи бўйича ўша пайтда Тошкентдек шаҳри азимда бошқа мутахассис йўқ экан. Бу орада факультет раҳбарияти ҳам ўзгарди. Фозила Комил қизини яна ўз жойига ишга таклиф этишди.

Шу зайлда беш йил ўтди. Домла оқланиб, яна оила қучоғига қайтди. Қолган умрини улуғ бобомиз Алишер Навоийга, ўзбек адабиёти тарихини ўрганишга бахшида этди. Меҳнати билан, кашфиётлари билан номини абадийлаштириб кетди.

Фозила Комил қизи ҳар соҳада доимо домлага эргашарди, унга мос турмуш йўлдошигина эмас, айни пайтда лойиқ шогирд бўлишни ўз бурчи деб биларди. У шарқ халқларининг қадимий тарихи ва маданиятини ўрганишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганди. Бу юрилмаган йўл эди. Машаққати ҳам, захмати ҳам шунга яраша. Йиллар ўтаверди изланиш ва меҳнат билан. Илмий ишнинг кўлами кенгайиб кетаверди. Борган сари кутилмаган янги-янги фикрлар келарди.

Баъзан иккиланишлар, қайсидир масалаларда шубҳалар пайдо бўларди. Ахир буни ҳаёт дейдилар, илм йўли ҳақиқий олим учун ҳеч қачон текис ва равон бўлмаган. Жумбоқларга тўла бу йўл заҳматидан қочмаганга чиқарган. Индаллосини айтсак чидаган киши, сабр-тоқати етган киши тушсин бу йўлга.

Дарвоқе, ўша мудҳиш Сибирь ўрмонларидаги лагердан ёзган хатларидан бирида домла деганди: «Сенга оғир, жуда оғир, ўйласам даҳшатга тушаман. Ҳаёт машаққатларини енгмоқ учун, мақсад сари олға бормоқ учун, ирода ва қатъиятнинг ўзи камлик қилади. Юртини жон дилидан севган, унинг эртанги кунига ишонган кишидагина сендаги каби икки карра, уч карра ғайрат бўлади. Мен, жонгинам, сен билан чексиз фахрланаман».

Ишлар бироз юришмай қолган кезларда Фозила опа домланинг ижодхонасига кирарди, у билан руҳан суҳбатлашиб, маслаҳат оларди. Ҳар сафар қандайдир тетиклик, бардамлик, рўшнолик бахш этарди, шу хона, ишга кўшойиш берарди.

Вақт алламаҳал бўлиб қолган. Болалар ётоқхонасига кириб кетгани қачонийди. Фозила Комил қизи ўша қадрдон, сеҳрли хонага кирди. Атрофдаги ҳамма нарсалар унинг ҳурматли устози, умр йўлдоши Ҳамид Сулаймонни эслатиб турибди. Мана унинг ёзув столи. Нечанеча тунларни тонгга улаган домла бу ерда. Ҳа, ўша чет эллардан — Лондон, Нью-Йорк, Париж, Деҳли, Қобул, Истанбул, Анқара кутубхоналари, илмий даргоҳларидаги юртдошларимиз яратган ўлмас асарларнинг нусхалари шу хонада ўрганилган, таҳлил этилган. Улар орасида ҳали ўз эли бутунлай бехабар нодир китоблар ҳам бор.

Ҳамид Сулаймон ҳар сафар уларни варақлаганда дунёни унутарди, қандайдир фақат ўзи ҳис этаётган, сўз билан таърифлаб бўлмас ҳаяжонли ҳолатга тушарди. Ўша узоқ ўтмишнинг, асрларнинг овози эшитилиб турғандек, ўша улуғ зотларнинг нуроний нигоҳи боқиб турғандек туюларди шундай пайтларда. Ўша даврларнинг алғов-далғов воқеаларига бутунлай ғарқ бўлиб кетарди. Ҳали Мир Алишер Навоий, ҳали Ҳофиз Хоразмий билан ғойибона суҳбатлашарди.

Фозила Комиловна ўша сермашаққат, айни пайтда серзавқ кунларни эслади. Хона тўридаги устозининг юзидан нур ёғилиб турган расмига тикилиб қолди. Мусаввирга ҳам тан бериш керак. Домладаги улуғворлик, заҳматкашлик, қатъиятлик, айни пайтда кўнгил очиқлик, самимийлик ҳислатларини шундай бўрттириб кўрсатганки...

Таажжуб, шу топда тасвирдаги домла тилга киргандек туюлди Фозила опага.

— Толиқдингми, жоним?

— Ҳа, бироз, шул боис мана, яна келдим сизни сўроқлаб. Мендан ортда қолма, одимни баробар ташлайлик, дердингиз доим. Бироз мушкул бўляпти. Сиз илмда янги сўқмоқ очдингиз, у авлодларга сизни эслатиб турибди. Мен ҳам ўзимнинг сўқмоғимни очмоқ ниятидаман. Аммо тайёр йўлдан юриш бошқа экан-у янгисини очмоқ бутунлай ўзга дунё экан. Хотин бошимга оғирроқ юк олиб қўйдимми, деган ўй-ҳаёлларга бораман баъзан.

— Йўқ, асло ундай дема. Эсингдами, жоним, сени «вазири аъзам» деб атардим. Илмий ишларимни кўздан кечириш, таҳрир этиш, биринчи манбаларга солиштириш, баъзан эса қайта ёзиш—буларнинг барчасини ихтиёрий равишда зиммангга олгандинг. Айтиб қўяй, нимага эришган бўлсам—ярми сенинг ҳиссанг. Бу гапларни Худо олдида ҳам, бандаси олдида ҳам айтишдан ор этмасман. Ахир падар бузрукворинг билан муҳтарама волидангиз бекорга сенга Фозила деб ном қўймаганлар. Улар яхши ният қилишган. Шунга лойиқ бўл, илм йўлида ўнғай йўлларни ҳавас ҳам қилма, қўй ундайларни. Чинакам заҳматнинг гашти бошқача, буни ҳали ўзинг ҳам ҳис этасан. Улусга янги гап айтмоқ даркор, акс ҳолда олимликни даъво қилмоққа на ҳожат. Кўплар учун илмда йўлнинг равони яхши, лекин ўз йўлингни ўзинг очиб борганингга не етсин!

Чархи кажрафтор бошимизга не-не оғир кулфатларни ёғдирмади. Сен уларга чидадинг, ўша оғир кунларда ҳам умид билан яшай билдинг. У кунлар олдида ҳозирги оғирчилик не деган гап. Ниятларим кўп эди, афсус.. Эндиликда мен учун ҳам сен тер тўкмоғинг лозим. Умидларим катта сендан,ноумид қилма мени...

Фозила Комиловна ўзини — енгил ҳис этди, хаёлларидаги ғуборлардан фориғ бўлгандек сезди ўзини. Тавба, бу ерда не сир-синоат бор? Ҳар сафар шундай бўлади. Бирор жумбоқни ҳал этишда иккиланса, шу хонага киради, домла билан ҳаёлан суҳбатлашади. Сўнг ҳар сафар фикри тиниқлашгандек, илмий-ижодий йўллари ойдинлашгандек туюлади унга. Домланинг руҳи мададкор ҳамон. «Ноумид қилма мени». Демак домла ҳамон умид қилади ундан...

Ўрта Осиё халқлари умуминсоний маданият ривожига қандай ҳисса қўшган, деган илмий жумбоқнинг устида қарийб 25 йил ишлади. Меҳнатларининг дастлабки самараси бўлмиш «Шарқ ва Ғарб. Қадимий адабий алоқалар» номли китоби чоп этилди.

Айни пайтда домланинг собиқ шогирди сифатида ишларини давом эттиряпти. Ҳамид Сулаймон дунёнинг турли мамлакатларидан олиб келган шарқ мусаввирларининг асарлари — мўъжаз расмлардан ажойиб альбомлар тайёрлаб, чоп эттирди. Алишер Навоийнинг «Ҳазойин ул-моаний» асарини қадимий қўлёзмаларга солиштириб, нашр эттирди.

ЖАННАТ ШУНДАЙ АЁЛЛАР ПОЙИДАДИР

90-йилларнинг бошлари. Фозила опа докторлик диссертациясини ёқлар экан, деб эшитиб қолдик. Ёш етмишдан ошган бир пайтда-я? Қойил-э! Бордик. Илмий кенгашга раислик қилувчи диссертантга сўз берди. Фозила опа ўриндиқдан туроётганларида далда бермоқчи бўлибми, ё бошқа хаёлдами, ҳарқалай сўз қотдим:

— Дадил бўлинг, опа.

— Мен дадилман, чунки домла ҳамиша мен билан руҳан бирга.

Ҳамманинг нигоҳи диссертантга қаратилган. Унинг дастлабки сўзлариёқ диққатимизни жамлаб қўйди.

— «Нур Шарқдан». Қадимги Римда кенг тарқалган мазкур афоризмда Шарқ халқларининг инсоният маданияти пойдеворини яратишдаги улкан ҳиссасига Ғарб халқлари томонидан тан олингани ифодаланган.

У ишонч билан гапирарди. «Аждодларимиз шунчалик ишчан ва уддабурон бўлганларки, Византия ҳукмдорлари узоқ вақтларга қадар ўзларининг дипломатик ва молия ишларига самарқандликларни, умуман ватанимиз вакилларини жалб этганлар... Афсус билан айтамизки, ҳалигача халқларимизнинг узоқ ўтмишини, уларнинг умуминсоний маданият ривожига қандай ҳисса қўшганини ёритувчи асарлар яратилмади. Дарвоқе, 70 йилдан бери мамлакатда олиб борилган сиёсатда бундай асар яратиш мушкул эди... Борлари ҳам кўпинча европоцентризм нуқтаи назаридан, Шарқ халқлари, айниқса Ўрта Осиё халқлари маданиятини менсимаслик нуқтаи назаридан факт ва воқеаларни талқин қилади. Ҳанузгача марказий шаҳарларда босмадан чиққан асарларда скиф маданияти, санъатининг шаклланиши ва ривожида минтақамиз халқларининг мавқеи инкор этилади... Европа олимлари ўртасида Ўрта Осиёда яшаган халқлар маданиятда шунчалик орқадаларки, ҳатто четдан бўлган таъсирни ўзлаштиришга ҳаммавақт ҳам қодир бўлмаганлар, деган нотўғри фикр қатъийлашиб қолган. **Мен ўз олдимга шу ғайриилмий назарияни фактлар асосида рад этишни вазифа қилиб қўйганман..»**

Диссертант ҳаётий мисоллар билан ўз мақсадини лўнда ифодалашга интилди. Бунинг учун қадимий қўлёзмалардан, олимлар асаридан олинган кўплаб мисолларни келтирди.

Ушбу сатрларни қоғозга тушурар экенман, республикамиз Президенти И. А. Каримовнинг қуйидаги сўзлари ярқ этиб хаёлимдан ўтди. «Тарихимиз неча-неча минг йилликларга бориб тақалади. Гапнинг индаллосини айтишимиз керак: айрим мамлакатларда одамлар ҳали лунги тутиб юрган даврларда бизнинг отабоболаримиз юлдузлар жадвалини тузганлар!»

Бошқалар қатори Фозила опанинг сўзларини мен ҳам жон қулоғим билан эшитдим. Бундан тўрт-беш йил илгари, қанчалик тарихий ҳақиқат бўлмасин, бу сўзларни айтиб бўлармиди. Узоқ йиллар мобайнида ўзгалар маданияти ва цивилизацияси маҳаллий ерликлар кўзини очди, шу туфайли оқ-қорани танийдиган бўлишди, деб уқтириб келинди.

Савол-жавоблардан сўнг республикамизнинг кўзга кўринган алломалари сўзга чиқишди.

— Мен бу оилани фозил оила, комил оила сифатида кўпдан биламан, — деди хизмат кўрсатган фан арбоби Натан Маллаев. — Фозилахонимнинг ишини илмий жасорат, деса бўлади. Ўтмишдаги ва давримизнинг баъзи казо-казо олимлари фикрига зид хулосаларга келиш, янгиликни илмий асослаб бериш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, зукко олим Иззат Султонов, фан доктори Бегали Қосимов ва бошқалар илмий ишга юксак баҳо бердилар. Ҳақиқатдан ҳам шу пайтгача тахи бузилмаган соҳада диссертант ўзига хос йўл очганлиги таъкидланди. Бошқа мамлакатлардан мазкур илмий иш хусусида ёзиб юборилган хулосалар билан таништиришди. Уларнинг ҳаммасида диссертацияга юксак баҳо берилганди.

«Эрим инсульт бўлиб қолганлиги сабабли илмий кенгашингизга боролмаслигимдан бениҳоя афсусланаман, — деб ёзибди Санкт-петербургдаги машҳур грекшунос олима Наталя Чистякова. — Жуда муҳим, ниҳоятда зарур иш, фандаги бўшлик тўлдирилибди. Юксак маданиятли Ўрупа зиёлиси ҳам ҳавас қилса арзигулик тилда ёзилибди. Илмий ишни рус тилида алоҳида китоб ҳолида чоп этиш жуда-жуда зарур, деб ҳисоблайман».

Илмий кенгаш бир овоздан Фозила Комил қизи Сулаймоновага докторлик илмий даражасини беришга қарор қилди.

— Мўлжалдаги ишим ҳали поёнига етгани йўқ, — дейди у. — Ҳозир мен унинг Ўрта асрларга бағишланган иккинчи қисми устида ишлаётирман. Энг қайноқ, ҳамма соҳаларда Туронзаминлик алломаларнинг мўътабар номлари эъзоз билан, бениҳоя ҳурмат билан тилга олинган давр, жуда қадимий маданиятнинг Ўрупа маданиятига, илм-фанига таъсири масалаларини кенг ёритиш ниятим бор. Гар саломатликни берса, муддао кам-кам бўлур...

Фозила Комил қизи гапирар экан мени хаёллар гирдоби ўз оғушига олади. Қизиқ, умримиз бўйи сизлар саводсиз эдингиз, илм-фан бўлмаганди бу ўлкада, деб ўзбек халқини таҳқирладилар, камситдилар, қадриятларимизни оёқ-ости қилишди. Энди-энди биздан пинҳона тутилган ўша илдизи чуқур қадриятларимиз саҳифалари очиляпти. Замонавий фанларнинг аксарияти пойдеворини шу ўлканинг буюк аждодлари яратганлигини илғай бошладик. Халқда миллий ифтихор туйғусини шакллантиришда айни худди шундай илмий ишлар биз учун қанчалар зарур, сув ва ҳаводек ташнамиз уларга.

«Овропаликлар мусулмон маданиятидан... айниқса фалсафа ва табобат соҳасида ўзларининг қанчалик қарздор эканликларини ҳис қилганларича йўқ, — деб эътироф этганди инглиз олими Монтгомери Уотт. — Кўпинча мусулмонлар маданиятининг ижобий таъсири ва кўламини пасайтириш, ҳатто тамоман эсга олмасликка уринамиз». Шу маънода оламинг ижодий изланишлари баайни савоб ишдир.

Сулаймоновлар оиласининг фарзандлари ҳам ҳавас қилса арзигулик кишилар бўлиб етишишди. Катта ўғли Рустамжон фан номзоди, археология бўйича мутахассис. Иккинчи ўғиллари Султонжон ҳам фан номзоди, физика бўйича мутахассис. Ҳозирда у Олмонияда хизматда. Қизлари Зуҳро биолог, ўз касбининг билимдони. Ота-она учун фарзандлар камолини кўришдан ҳам ортиқроқ бахт борми бу дунёда. Иншоллоҳ, домла Ҳамид Сулаймоннинг руҳлари шод бундан.

Фозила Комил қизи турмушда эрга садоқат, оилага, фарзандларга фидойилик намунасини кўрсатган бўлса, ҳаёт чорраҳаларида дуч келган қийинчиликларни енгишда, турмуш деб аталмиш тегирмон тошининг зил-замбил юкларини кўтаришда, туҳматга, ўринсиз дошномларга чидашда, илмда ўзига яраша сўқмоқ очишда, айтиш мумкинки, жасорат кўрсатди.

Ҳаёт қанчалик мураккаб, қанчалик жумбоқларга тўлиб-тошган, унинг баъзида кишига берадиган кутилмаган зарбалари бўлса-да, барибир, у жозибали. Фозила Комил қизи каби инсонлар унга жозиба бағишлайди, яшашга, курашга, қўйилган мақсад сари дадил боришга ундайди. Зеро, элнинг кўрки, миллат фидойилари улар. Бор бўлсин шундай одамлар! Улар қадрига етайлик, эъзозлайлик, асраб-авайлайлик. Улар пойига бош қўйса арзийди, зеро жаннат шундай аёллар — оналар пойидадир. Шоир тили билан айтганда:

Агар мену художўй мусулмон бўлсам,
Номоз ўқир эдим этагингизда.

СУРАТДА: Ҳамид Сулаймон ва Фозила Комил қизи.

• Ўзбекистон ва жаҳон

МАНФААТЛИ ҲАМКОРЛИК

● Шу кунларда Пекинда Хитой ва Ўзбекистон ўртасида битим имзоланди. Унга кўра «Ўзинтранс» ташқи савдо транспорт бирлашмаси мижозлари учун кенг истиқболлар очилади.

Агар «Ўзинтранс» илгари юкларни Хитой чегарасигача элтиб берган бўлса, эндиликда автомобиль йўналишлари Покистон ва бошқа мамлакатлардан транзит ҳолда ўтиб, Хитойнинг анча ичкарисига қадар узаяди.

Битим Пекинда, Коммуникация вазирлигида имзоланди. Имзолаш маросимида Хитой томонидан ХХР Коммуникация вазири Хуан Чжэнь-дун унинг ўринбосарлари Лю Сугу —Зинь ва Го Шенхай қатнашдилар. Ўзбекистон Республикаси ҳукумати номидан бу битимни имзолашга «Узавтотранс» давлат-акционерлик корпорацияси бошқаруви раиси Лерик Ахметович Ахметов вакил этилган.

Расмий маросимдан сўнг уч кун давомида икки томонлама савдо, иқтисодий муносабатларнинг юк ташиш тартиби, чегара, божхона, санитария назоратлари, йўналишларнинг узунлиги, ҳисоб-китоблар тўловлар каби муҳим жиҳатларига тааллуқли ташкилий масалалар ҳал қилинди. Ўзбекистонлик меҳмонлар мазкур мамлакат ичкарисида салмоқли юкларни ташишга ихтисослашган Чой Чжэн-Фун транспорт корпорацияси ишлари билан қизиқишди. Корпорация директорининг айтишича қўшимча транспорт-экспедиция фаолиятидан, турдош хизматларни кенгайтиришдан мўмай фойда олинаяпти. Таъкидлаш керакки, хитойлик транспортчиларнинг фаолият қирралари тор доирада чекланиб қолмаган. Туризм ва ресторан хизмати билан тўлдирилган. Чой Чжэн-Фун корпорацияси ўз ресторанига эга.

Сариқ денгиз қирғоғидаги Тяньцзинь порти директори ўринбосари Юй Хоу-Юань ўзбекистонлик меҳмонларни порт фаолияти билан таништирди.

Хуллас, яқин орада Тошкент — Урумчи йўналишида мунтазам автобус қатнови йўлга қўйиладики, бу Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги ўзаро манфаатли ва умидбахш ҳамкорликнинг ёрқин далили бўлади.

С. МАШРАБОВА.

янгиликлар воқеалар хабарлар

ХАЛҚАРО КЎЗГУ

2000 ИЙЛ ОЛИМПИАДАСИ СИДНЕЙДА ЎТАДИ

● Бундай хушхабар яқинда Монте-Карлодан бутун жаҳонга тарқалди. Очиғи ушбу янгиликни дунё спорт ишқибозлари анчадан бери интиқ бўлиб кутишаётганди.

2000 йил олимпиадасига талабгорлар орасида Истанбул, Манчестер, Берлин, Пекин ва ниҳоят, Сидней бор эди. Улар олимпиада учун жуда катта маблағ сарфлашганди. Масалан, Сидней шаҳри маъмурлари бу тадбир учун 16 миллион доллар, Манчестер — 10, Берлин — 37 миллион доллар ажратганди.

Ўтган ҳафта Халқаро Олимпия қўмитаси (МОК) президенти Хуан Антонио Самаранч бу қурашда Сидней ғолиб чиққанини маълум қилди. Олимпиадани ушбу шаҳарда ўтказиш учун 45 овоз, Пекинга эса 43 овоз берилган.

УКРАИНА ПАРЛАМЕНТИ ҚАРОРИ

● Украина парламенти Президент ва Олий Кенгашга ишонч билдириш ҳақидаги ўзининг июнь ойидаги қарорини бекор қилди.

Янги қарор билан 1994 йил 27 мартда парламент таркибини янгилаш, 1994 йил 26 июнда эса Президент сайловини ўтказиш белгиланди. Маълумки, шу йилнинг 17 июнида шахтёрлар иш ташлаш тазйиқи остида референдум ўтказиш ҳақидаги қарор қабул қилинган эди.

ЭРОН—ҲИНДИСТОН ҚЎШМА БАЁНОТИ

● Эрон ва Ҳиндистон жаҳондаги давлатларни бир-бирларининг ички ишларига аралашмасликка ҳамда биргаликда тинч яшаш принципларини ҳурмат қилишга чақирди.

Ҳиндистон Бош вазири Нарасимха Раонинг Ислом Эрон Республикасига ташрифи якунида тарқатилган баёнотда, шунингдек, қуролсизланиш юзасидан халқаро ҳаракатларни кучайтириш ва бутун дунёда оммавий қирғин қуролларини йўқ қилишга даъват этилган.

ПРЕЗИДЕНТЛИККА САЙЛОВ МУДДАТИ БЕЛГИЛАНДИ

● Борис Ельцин Россия Федерацияси Президентлигига сайловни 1994 йил 12 июнида белгилаш ҳақидаги фармонга имзо чекди.

Шу муносабат билан Россия Федерацияси Федерал Кенгашига 1994 йил 1 февралидан кечикмай «Россия Федерацияси Президенти ҳақида» Қонун қабул қилиш таклиф этилди.

ҒОЛИБЛАРНИ СОВРИНЛАР КУТМОҚДА

● Япония пойтахтида VI халқаро кинофестиваль иш бошлади. Токионинг энг яхши кинозалларида 10 кун мобайнида 173 та фильм намойиш этилади.

Киноанжуманга 40 давлатдан 246 ижодий иш тавсия этилган эди. Улар орасида Япония, Россия, Америка, Канада, Франция, Португалия, Германия, Хитой кино усталарининг 13 фильми саралаб олинди. Бу фильмлар асосий танловда ғолиблик учун даъвогарлик қилади. Ғолиб фильмлар мукофот ва совринлар билан тақдирланади.

АМЕРИКА СЕНАТОРЛАРИНИНГ САХОВАТИ

● Америка Қўшма Штатлари сенати Президент Клинтонга Россия ва собиқ СССР Республикаларига 2,5 миллиард доллар миқдорида ёрдам беришни таклиф этди.

Таклиф лойиҳаси кўпчилик овоз билан қўллаб-қувватланди. Бирорта ҳам сенатор бу масалага қарши чиқмади, деб хабар беради «Вашингтон Пост» газетаси.

КУЧЛИ ЁМҒИР ЕТКАЗГАН ТАЛОФАТ

● Бомбей шаҳрида узоқ давом этган кучли ёмғир натижасида 20 киши ҳалок бўлди.

Ҳиндистон ахборот маҳкамасининг хабар беришича, уларнинг кўпчилиги жала оқибатида қулаган бинонинг тагида қолиб ҳалок бўлган. Табиий офатдан саноат корхоналари ҳам катта зарар кўрди. Ишчилар ишга чиқмаяпти. Транспорт воситалари ҳаракати, мактаб ва коллежлардаги машғулотлар тўхтатиб қўйилган.

УМИД ҚИЛСА БЎЛАДИ

● Россия жаҳондаги йирик молия идораларидан янги қарзлар олиши учун иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда олға силжиётганини намойиш этиши лозим.

Халқаро валюта фондининг кўрсатма берувчи директори Мишель Камдессю яқинда Вашингтонда журналистлар билан суҳбат чоғида шуни маълум қилди. Унинг фикрича, Россия ҳукумати жорий йил охиригача пул қадрсизланишининг олдини олиш ҳақида халқаро валюта фонди қўйган талабларни бажариши мумкин. Бу ХВФдан Россияга мўлжалланган уч миллиардлик қарзнинг иккинчи ярмини олиш имкониятини яратади.

МАСЛАҲАТЧИ ҚЎШИЛМАСЛИК ТАРАФДОРИ

● Япония Бош вазирининг махсус маслаҳатчиси Сюсэя Танаки ўз мамлакатининг БМТ Хавфсизлик Кенгашига доимий аъзо бўлишига қарши фикр билдирди.

У янги ҳукумат бошлиғи Морохиро Хокосаванинг маълум масалаларда бир қарорга келишида сезиларли таъсирга эга. Бош вазир махсус маслаҳатчисининг фикрича, Токио «катта бешлик»ка (Англия, Хитой, Россия, АҚШ, Франция) қўшилса, унга оғир талаблар қўйилиши мумкин. Жумладан, БМТнинг тинчликни таъминлаш вазифасини амалга ошириш учун Японияга қўшимча ҳарбий мажбуриятлар юкланиши муқаррар.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

янгиликлар воқеалар хабарлар

«Ўзбекистон овози»нинг 75 йиллигига

БИЗНИНГ ҲОШИМ ТОҒА

ЗАҲМАТКАШ ЖУРНАЛИСТ Ҳ. АБДУСАМАТОВНИ ЭСЛАБ

Газетамизда етмишинчи-саксонинчи йилларда ижод қилган ёшлар тажрибали ва таниқли қалам соҳиби, меҳрибон ва дилкаш устоз Ҳошим ака Абдусаматовни эъзозлаб «Ҳошим тоға» деб мурожаат қилишарди. Чунки у киши атрофига ёшларни тўплаб, ҳаёт сабоқларидан ҳикоя қилар, тўғри йўл кўрсатиб қимматли панд-насиҳатини сираяамасди. Шунинг учун ҳам биз ёшлар унинг ҳурматини жойига қўйиб, тортинмай «Ҳошим тоға» деб доим ҳузурига кириб турардик. Давра қуриб гап беришни, ҳазил-мутойиба қилиб одамлар юзига табассум югуртиришни яхши кўрардилар. Ҳошим тоға бор жойда қувноқ кулги, дилдан суҳбат бўларди.

Орадан йиллар ўтди. Ҳали-ҳамон у гўё орамизда. Кўнгилларга таскин бераётгандай, ҳувиллаб қолган йўлакларда одамларга кулгу улашиб, унга файз киритаётгандай. Одамохун ва дилкаш Ҳошимжон ака қишлоқ хўжалик мавзуининг билимдони, редакциядан паноҳ излаб келган жабрдийдалар дардини эринмай, тоқат билан эшитадиган ва уларнинг мушкулларини осон қилмагунча, талабларини қониқтирмагунча тинчимайдиган инсон эди. У киши жуда ҳам синчков эдилар. Бирор янгиликдан хабар топсалар борми, шу заҳоти уни юзага чиқармагунча тинчимасдилар.

Ҳошим тоғанинг Тошкент вилояти пахтачилигидаги илғор технологияни кенг жорий этишда жонкуярлик кўрсатганини алоҳида таъкидлаш керак. Унинг ана шу мавзуга бағишланган ўнлаб мақола, репортаж, лавҳа ва очерклари газетхонлар томонидан қизғин кутиб олинган эди. Гарчанд бу илғор технология қораланган бўлса ҳам ҳаёт ҳақиқати бу айбномани улоқтириб ташлади.

Халқимиз орасида «отахон газета» деб ардоқланиб келинган кезлар редакцияда забардаст журналистлар, иқтидорли ёзувчилар, Ҳошим Абдусаматов каби етук қалам соҳиблари тўпланган эди. Биздақанги эндигина редакция қозонига келиб тушган ёшлар улар олдида ниманардик, ҳатто ҳайиқартадик ҳам. Улар қаламига мансуб долзарб мавзудаги публицистик мақолалар, очерк ва фельетонлар газетхонлар ҳамда жамоатчилик ўртасида шов-шувга сабабчи бўлгани учун ҳам биз улар қаршисида ўзимизни урвоқдек ҳис қилардик. Ҳолбек Ёдгоров, Восиқ Маҳкамов, Маъруф Назаров, Абдукарим Набиҳўжаев, Рустам Муродов, Ўткир Абдуазимов, Самад Қодиров (ўтганларни худо раҳматига олган бўлсин), Абдулла Абдуқодиров, Муроджон Мансуров, Муҳиддин Жалолов, Ўсмон Юсупов, Алижон Маъзумов, Абдулла Раҳимовлардан иборат даврадар Ҳошимжон ака иштирокисиз ўтмас эди. Бундай хушчақчақ даврадар гоҳо узун йўлакларда, гоҳо хоналарда, ҳатто мажлислар залида қурилиб, машаққатли меҳнатдан сўнг бироз «чигил ёзиш»га хизмат қиларди. Ҳазил-мутойибалар латифаларга, пайровларга уланиб кетар, беғараз қаҳқаҳалардан йўлаклар, хоналар нурга тўлгандек бўларди. Биз ҳаммамиз узоқроқдан севиб кузатадиган бундай даврадар марказида биз ардоқлаган «Ҳошим тоға»миз турарди. Бир неча дақиқа давом этадиган хушчақчақ танаффусдан сўнг улар яна кўтаринки кайфиятда ишга шўнғиб кетишарди.

Бундан 20 йилча бурун университетни тамомлаш арафасида муаллифлардан биримизни корректура бўлимидан хатлар ва оммавий ишлар бўлимига оддий мухбир қилиб ўтказишди. Ўша пайтларда ижодий бўлимга ўтиб ишлаш ҳар кимга ҳам насиб этавермасди. Чунки, адабий ходимга қўйиладиган талаблар, масъулият юкини кўтариш осон эмасди. Кейинчалик билсак Ҳошим тоға бўлимга ўтказишни сўраб, бир неча марта бош муҳаррир Мақсуд Қориевга мурожаат қилган экан. Ҳеч ёдимдан чиқмайди. Ҳошим ака мудир сифатида хатлар саҳифасини тайёрлашни топширди. Шу куннинг ўзидаёқ топшириқ бажарилиб, унинг столига қўйилди. Саҳифа материаллари бироз бўялганди. Бу кишини ташвишлантирарди.

— Тушкунликка тушманг, укам, сиздек пайтимизда биз ҳам ишни шундай бошлаганмиз, Ҳали замон ҳаммаси изга тушиб кетади. Бу воқеа бир умрга сабоқ бўлди.

Ҳошимжон аканинг ажойиб фазилатларидан бири — факт устида қаттиқ ишларди. У киши, айниқса, вилоят мухбири бўлиб ишлаганларида ижодий изланишларини кўп кузатишимизга тўғри келган. Бизга арзимайдиган бўлиб кўринган фактлар кетидан бир неча бор сафарга бориб келган пайтлари кўп бўлган. Саволимизга кулиб шундай жавоб берардилар:

— Салкам 1 миллион нусхада чиқадиган газетада хато қилиш мумкин эмас. Ўзингга талабчан бўлсанг гина бу касбдан топадиган нонинг ширин, луқманг ҳалол бўлади.

Устозимиз моҳир таржимон сифатида ҳам ҳамкасблар ўртасида ҳурмат-эътиборга лойиқ эди. Кўпинча шу сонга тайёрланадиган қишлоқ хўжалиги мавзуидаги таржима материаллари Ҳошимжон акага ишониб топшириларди.

Ҳошим тоғанинг «Совет Ўзбекистони»даги узоқ йиллик ҳалол меҳнатлари бесамара кетмади. У кишидан қутлуғ из, яхши ном, доимо эслашга арзигулик фаолият бизга мерос бўлиб қолди. Гарчанд у азиз инсон орамизда бўлмаса ҳам унинг руҳи яхши-ёмон қунларимизда, гурунгларимизда, қалбларимизда яхшилик шуъласини таратиб юрибди. Зотан, «бизнинг Ҳошим тоға» деганимизда ана шундай яқинликни юракдан ҳис этамиз.

Абдунаби МАННОПОВ,
Юнус ЗИЁДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

● ЮРТИМ МАНЗАРАЛАРИ ●



ҚУЁШ, ҲАВО, ТОЗА СУВ.

Суратқаш Владимир ПАНОВнинг Шаҳрисабз туманида олган лавҳаси.

● ШАТРАНЖ ОЛАМИДА

ЖОЗИБАДОРЛИК — АСОСИЙ МЕЗОН

Рамзий шахмат тожи учун давом этаётган икки матчнинг бирида Анатолий Карпов билан Ян Тимман масофанинг тенг ярмини босиб ўтган бўлса, Гарри Каспаров билан Найжел Шорт ўзаро 9 бор куч синашиб кўришга улгурдилар. Ҳисоб жиҳатидан москвалик гроссмейстерлар яққол устунлик қилаётганликларига қарамай, уларга нисбатан қизиқиш асло пасаяётгани йўқ.

Машҳур «Таймс» газетаси ҳомийлигида ўтаётган баҳснинг тўққиз партиясидан бештасида оқ доналар жаҳон чемпиони Каспаров ихтиёрида бўлди. Испанча ўйин усули қўлланган уч учрашувнинг ҳаммаси унинг фойдасига ҳал бўлди. Шунга қарамай, англиялик Шорт бундан кейинги учрашувларда уни такрорлашдан қайтмаса керак. Ёки бўлмаса Немцович ҳимояси танланган иккала партиянинг дастлабкисида оқ доналарни сурган тождор қониқарли вазиятга эриша олмади. Шундай бўлсада, уни яна такрорлади.

Немцович ҳимояси ишга солинган шу икки ўйин хусусида қисқагина мулоҳаза билдириш жоиз кўринади. Ниҳоятда пухта ва пишиқ бу дебютга бағишланган рисолаю мақолаларнинг сон-саноғи йўқ. Қўлланган айнан шу вариант биринчи марта 1941 йил беш гроссмейстер: М. Ботвинник, П. Керес, В. Смислов, И. Бондаревский ва А. Лилиенталь ўртасидаги мамлакат мутлақ чемпионлиги учун ўтказилган матч-турнирда, аниқроғи Керес — Ботвинник партиясида қўлланиб, унда қоралар, яъни Ботвинник тарихий ғалабага эришганлиги маълум.

Лондондаги баҳснинг бешинчи учрашувида томонлар намойиш этган тактикавий «жиққа-мушт» барчани лол қолдиргани рост. Аммо ташаббус қораларда бўлгани айниқса лондоликларга маъқул тушди. Зиғирдай ноаниқликка йўл қўйилса, тождор дафъатан ҳунук аҳволга тушиб қоларди. Ҳисоб-китоб юритишда салоҳияти электрон машиналарга таққосланаётган Каспаров ягона ҳимоя чоралари кўмагида мағлубият остонасидан хатлаб ўтишга муваффақ бўлди.

Тўққизинчи партияда яна шу вариант ишга солинди. Жанг аввалгисидан ҳам қизиди. Унисида ҳам, бунисида ҳам ҳужум нишони рақиб шохлари эмас, балки заиф хоналар барпо этишга қаратилгани диқкатни тортади. Каспаров муаммонинг моҳирона ечиб ҳисобни ўз фойдасига 7:2 га етказди.

Голландиядаги баҳсни биринчи ярми Карпов фойдасига 7:5 ҳисобида тугади. Айрим партияларда яққол устунлигини охиригача олиб бороллмаган Ян Тимман чамаси асабий мувозанатни анча бўшаштириб қўйган кўринади. Низомга кўра матчнинг иккинчи қисми кичик мамлакат — Уммонда ўйналиши керак эди. Бироқ яқинда мамлакат султони маблағ йўқлиги туфайли уни ўтказишдан бош тортди. Бунинг бошқа сабаблари йўқ эмасга ўхшайди. Энди ФИДЕ Президенти олдида бошқа жой, бошқа ҳомийлар топиш масаласи кўндаланг бўлиб қолди.

Мамажон МУҲИДДИНОВ.
Халқаро ҳакам.

КИЧКИНТОЙЛАРГА ҒАМХЎРЛИК

Қорақалпоғистон Республикаси халқ депутати Жўлдосбой Шомуротов раҳбарлик қилаётган «Қорақалпақтранс» ишлаб чиқариш бирлашмаси ёнилғи—мойлаш материалларидан, эҳтиёт қисмлардан самарали фойдаланиб, режаларни ошириб бажариш билан бирга болалар боғча-яслиларига маблағ ўтказиб, озиқ-овқат билан таъминлашга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Болаларнинг яхши дам олиш ва овқатланиши учун барча имкониятлар яратилган. «Қорақалпақтранс» ишлаб чиқариш бирлашмаси болалар боғча ва яслилар учун шу ярим йилликнинг ўзида беш ярим миллион сўмдан зиёд маблағ ажратди.

Нукус шаҳрида жойлашган 1-«Автомобилист» болалар боғча-яслисининг иш тажрибасидан ҳамма мамнун. Бу болалар масканига педагогмутахассис Минойхон Шўланова раҳбарлик қилади. Автотранспорт корхоналарида ишлаётган ота-оналарнинг 156 нафар ўғил-қизлари шу ерда тарбияланмоқда. Боғча-ясли бир гектар майдонга жойлашган бўлиб, мевали дарахтлар жуда кўп. Болаларнинг яхши дам олиши учун спорт зали, майдончалар, чўмилиш ҳавзаси, мусиқа хонаси, кутубхоналар ишлаб турибди.

Реймбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

БЎШ КЕЛМАНГ, ЁШЛАР!

⊙ Вилоят ҳокими П. Абдурахмонов «Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи вилоят ташкилотининг фаолиятини янада такомиллаштириш чоралари ҳақида» қарор қабул қилди.

— Очиғини айтсам, тенгқурларим дўпписини осмонга отадиган воқеа бўлди, — дейди қўмита биринчи котиби Бўрибой Бўронов. — Хабарингиз бор, йилнинг бошида мени ҳокимнинг ёшлар билан ишлаш бўйича жамоатчилик асосидаги ўринбосари қилиб тайинлашди. Туманларда ҳам шундай йўл тутишди. Мазкур қарорга эса барча хўжаликларнинг бошланғич ташкилотларимиз маъмурият ҳисобидан маош билан таъминланади.

Яна бир гап. Энди Самарқанд вилоят ҳокимияти раҳбар кадрларни тайинлашда Ёшлар қўмитаси фикри билан ҳам ҳисоблашади. Вилоят ва туманларда «Ёшлар жамғармаси» ташкил этилади. Ўнлаб корхоналар ёшлар ташкилоти ихтиёрига берилади.

Ишонч деганг бунақа бўпти-да! Бўш келманг, ёшлар!

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

● ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ

ОШИҚ-ОЙДИН ХОТИРАСИ

Ғўрўғли эпосининг туркум достонларида куйланган 1115 — 1235 йилларда Бўстон шаҳрида яшаб ижод қилган Ошиқ Аддим Шаҳобиддин Умар — Ошиқ Ойдинни шоир ва санъаткорлар ўзларининг устози деб билишади. Унинг қабри муқаддас зиёратгоҳга айланган.

Яқинда Туркманистон Республикасининг Тошовуз вилояти ҳудудида жойлашган ана шу муқаддас даргоҳда бахши санъаткорларнинг анъанавий халқаро фестивали бўлиб ўтди. «Ошиқ-ойдин — 93» шиори остида ўтган бу санъат байрамида Туркманистон, Узбекистон, Қозоғистон, Тожикистон, Озарбайжон, Туркия, Қирғизистон, Қорақалпоғистон, Бошқирдистон республикаларининг халқ дасталари ва атоқли ижрочилари ўз маҳоратларини намойиш қилишди.

Фестивал дастури машҳур туркман гиламлари билан чиройли қилиб безатилган 9 та саҳнада намойиш этилди. Унда Хоразм вилоятининг бир гуруҳ санъаткорлари, шоир ва олимлари ҳам иштирок этишди. Вилоят ҳокими Маркс Жуманиёзов фестивал иштирокчилари ва Ошиқ-Ойдин пир мақбараси зиёратчиларини катта халқаро санъат байрами билан муборакбод этди.

Э. МАДРАҲИМОВ.

АРИҚ ТЎЛА СУВ ОҚАР...

Самарқанд музейқўриқхонасида антиқа экспонат пайдо бўлди. У 1896 йилда чиқарилган «Ариқ оқсоқоли» нишонидир.

Уша вақтда шаҳар ичида 15 га яқин ариқ борлигини ҳисобга олсак, шунча оқсоқолдан ташқари яна кўплаб мироблар, бошқа хизматчилар сувнинг тозалигини сақлаш, ариқлар атрофини кўкламзорлаштириш билан шуғулланганлигини билиш қийин эмас.

Бундан ташқари, қадимда шаҳар бағрида учта каттасой ўтган. Бу сойлар ерости сувларини тортиб кетувчи тармоқ вазифасини ўтаган. Надоматлар бўлсинким, йиллар ўтиши билан сойлар ўрнида уйлар қурилди. Ариқларнинг ярми кўмилиб кетди. Натижада қочгани жой топа олмаётган ерости сувлари биноларнинг ертўла ва деворларига сингиб бормоқда.

Айримлар музейдаги нишонни кўриб, уни яна тиклаш керак, дейишаяпти. Бироқ йўқ ариққа оқсоқол не ҳожат?

Т.ФАРМОНОВ.

• Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқусидир

БОҒДАГИ ҚОТИЛЛИК

Шу йил 3 июнь куни тунги соат 22 ларда Қарши шаҳар янги маданият ва истироҳат боғида жойлашган ўқувчилар саройи томонидан «Вой, дод!» деган қаттиқ қичқириқ овоз эшитилди. Ўз хизмат бурчини ўтаётган шаҳар ички ишлар бўлими ҳузуридаги соқчилар бўлинмаси ходими, милиция сержанти Ҳ. Ҳасанов товуш эшитилган жойга етиб келди. Йўлакдан икки метр чамаси нарида номаълум шахс жасади ётарди.

Бу тўғрида шаҳар ички ишлар бўлимига хабар қилинди. Воқеа содир этилган жойга шаҳар прокурори, адлия маслаҳатчиси Д. Ҳасанов, прокуратура бош терговчиси, иккинчи даражали ҳуқуқшунос М. Эрматов, шаҳар ички ишлар бўлими бошлиғи, милиция полковники А. Баканов ва бошқалар етиб келишди. Боши қаттиқ жисм билан урилган марҳумнинг афти-башараси таниб бўлмас даражада қонга белганганди. Унинг ёнида винонинг бўшаган шишаси, олхўри компоти, кефир шишалари юмалаб ётарди.

Марҳумнинг шахси номаълумлиги учун воқеа рўй берган жойнинг ўзидаёқ тезкор гуруҳ иш бошлади. Жиноятни иссиғида изи йўқолмасдан, аниқлаш учун шаҳар ички ишлар бўлими шахсий таркиби сафарбар этилди. Кўчаларда, дам олиш жойларида маст ҳолатда юрган шубҳали шахслар текширишга киришилди.

Тунда саёқ юрган икки номаълум шахс ушланиб, шаҳар ички ишлар бўлимига келтирилди. Улар шаҳарда яшовчи Дилмурод Назаров ва Баҳодир Ўриновлар экан. Кийимлари кўздан кечирилганда эгнида қон доғи борлиги кўзга ташланди. Дастлабки сўроқлардаёқ улар бу жиноятни мастлик орқасида содир қилганликлари ни тан олдилар.

Шаҳар прокурорининг ғайрати, тезкор тергов ҳаракатлари натижасида жиноятчиларнинг ҳам, марҳумнинг ҳам шахси аниқланди. Қонун ҳамма учун баробар. Энди спиртли ичимликка рўжу қўйган қотил улфатлар қилмишлари учун жазоланадилар.

Мусо КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида Республика Ички ишлар вазирлиги томонидан истеъмол бозорини барқарорлаштириш бўйича ўтказилаётган тадбирлар ўз ижобий самарасини бермоқда. Ўтган ҳафта мобайнида ички ишлар ходимлари томонидан 50 та давлат мулкини талон-торож қилиш, 60 та харидорларни алдаш ва улар ҳақидан уриб қолиш факти аниқланди. Салкам 3 миллион сўмлик халқ истеъмоли молларини ғайриқонуний равишда очиқ савдодан ящиқиб қўйган ноинсоф савдо ходимларининг қилмишлари фош этилди. 54 чайқовчидан 4 миллион сўмликдан ортиқ турли хил ашёвий далиллар ва пуллар тортиб олинди.

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида аввал қайд қилинган, аммо очилмаган жиноятлардан 90 таси очилди. Жиноятни қилишга қилиб қўйиб, суд ва терговдан қочиб юрган 135 жиноятчи ушланди.

Жиноятчиликнинг олдини олиш борасида ҳам бирмунча дуруст ишлар амалга оширилди. Ўтган ҳафта ичида 240 дайди шахс ушланиб, жамоат жойларида ичиб юрган 2365 киши тартибга чақирилди. Кайф ҳолатда транспорт рулига ўтирган 514 ҳайдовчи тўхтатилди. Йўл ҳаракати қоидаларини қўпол равишда бузгани учун 31656 ҳайдовчига қайднома тўлдирилди.

Дарвоқе, ички ишлар ходимларининг қатъий саъй-ҳаракатлари натижасида катта-катта жиноятлар ҳам очилмоқда.

Қуйида ички ишлар ходимлари томонидан сири фош бўлган, айрим савдо ходимлари ҳамда ёнилғи сотиш омборларининг мудирлари содир этган айрим жиноий ишлардан мисоллар келтирмоқчимиз.

И. Бойматовни кўпчилик танимаса-да аммо машинаси борлар уни қаттиқ ҳурмат қилишади. Ахир у Урганч шаҳридаги «Агроқурилиш» трестига қарашли автокорхонанинг ёнилғи ва мойлаш маҳсулотлари сақланадиган омборига мудир-да.

Бу «ёшулли»нинг жавобгарлигидаги ёнилғидан бир эмас, уч эмас, балки олти миллион сўмлик камомад борлиги аниқлангач, унинг капалаги учиб кетди. 55 минг 176 литр ёнилғининг қаёққа ғойиб бўлгани — ҳавога учгани ёки ёниб тамом бўлгани хусусида ҳозирча бир нарса дейиш қийин. Лекин Н. Бойматовга нисбатан қонуний чоралар кўрилаётгани рост.

Наманган вилояти Поп район матлубот жамиятига қарашли «Табассум» универмагининг бўлим мудири Н. Юсупова 300 минг сўмлик болалар кийимларини очиқ савдодан яшириб қўйганлиги ички ишлар ходимларига маълум бўлиб қолди. Айни пайтда «Табассум»да тафтиш ишлари ўтказилмоқда.

Фарғона вилоятининг Қўқон шаҳар нефть маҳсулотлари базасига қарашли 10-ёнилғи қуйиш шаҳобчаси катта оператори А. Мирзаев ўз жавобгарлигида бўлган 390 минг сўмлик «А—76» бензинни сотиш мақсадида олиб кетаётганда ушланди. Энди унинг ушбу тижорат сафари бўйича суриштириш ишлари олиб борилади.

Шуҳрат РЎЗИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази нозири.

ДИҚҚАТ!

«ИРИГ» ФИРМАСИ ОМСК ШАҲРИДАГИ ОМБОРИДАН ЧАКАНА НАРХЛАРДА ҚУЙИДАГИ МАҲСУЛОТЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ

— теплица учун полиэтиленли плёнкалар;
— «Сибир—6 ЭТ» маркали центрифугали кир ювиш машиналари;
— «Москвич»—412, 2140 маркали автомобиллар учун қўшиб-узатиш коробкалари;
— юк, енгил автомобиллар, мотоцикллар ва қишлоқ хўжалиги машиналари учун шиналар;

Шунингдек, АИ—92, А—80 бензини ва бошқа ёнилғи-мойлаш маҳсулотларига мижозларнинг бўлган эҳтиёжини ўрганади ва шартномалар тузади.

Ўз ҳамкорларини божхона ҳужжатларини расмийлаштириш ва жўнатиш билан боғлиқ бўлган ноқулайликлардан халос этади.

Фойдали ҳамкорликдан мамнун бўлади.

Қўшимча ахборотлар учун Омскдаги телефонлар: (код —3812) 21-39-31, 21-59-49.

Телефакс: 21-39-31.

Ўзбекистон овози

ХАРЧИНОМА

ЖАМОА, ДАВЛАТ ХЎЖАЛИКЛАРИ, ПАРРАНДАЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ, ФЕРМЕРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Атроф-муҳитни ифлослантириб турган чорвачилик паррандачилик чиқиндиларини (гўнгларни, хазону барча органик чириндиларни) Калифорния чувалчанглари ёрдамида қайта ишлаб, арзимаган ҳаражат билан минглаб тонна экологик тоза, катта иқтисодий самара манбаи БИОЎҒИТга эга бўлинг.

Шунингдек, чувалчангларни паррандаларга кунига 2—4 донадан берсангиз улар соғлом ўсиб нобуд бўлмайди, тухум бериши, гўштдорлиги 2—2,5 марта кўпаяди. Бу борада сизга Аҳмад Яссавий жамоа хўжалиги беминнат илмий-амалий ёрдам беради. Бу ерда ҳосилдорликни 30—150 фоизгача кўтарувчи, ернинг табиий қувватини тикловчи

БИОЎҒИТ ва КАЛИФОРНИЯ ЧУВАЛЧАНГЛАРИ

1 ноябргача шартномалар асосида бозор баҳосидан 20—25 фоиз арзон нархларда

СОТИЛМОҚДА

Мурожаат учун манзилгоҳимиз: Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ тумани Аҳмад Яссавий жамоа хўжалиги.

Телефонлар: 8-298-32211, 8-3712-903716.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Ўзбекистон овози» газетаси ижодий жамоаси таниқли журналист ва ёзувчи, газетанинг Фарғона вилояти бўйича собиқ ўз мухбири **Исмоил ТУХТАСИНОВнинг** вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига, қариндош-ўруғларига чуқур таъзия изҳор қилади.

«Муштум» журнали таҳририяти журнал фахрийси Аббос Муҳиддинга ўғли **Баёз МУҲИДДИНОВнинг** фожиали вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

МУАССИСЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ ВА «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ЖУРНАЛИСТЛАР ЖАМОАСИ

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

Бош муҳаррир АЗИМ СУЮН

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Знёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Оснё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ.

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-53-14
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-76-04, 32-53-70
Фан ва маданият бўлими — 33-20-36
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16
Тижорат, эълонлар — «Оснё бозори» редакцияси — 33-38-55, 32-55-70, 32-54-12
Котибият — 33-72-83, 32-53-06
Шароф Рашидов фонди — 33-20-36, 32-54-35

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ

Андижонда — 4-48-85;
Бухорода — 3-96-12;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-74-76;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 4-44-62;
Қаршида — 3-25-79;
Самарқандда — 35-22-90;
Урганчда — 6-72-60;
Термизда — 2-23-01;
Фарғонада — 6-37-16.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматда босилади.
Ҳажми 3 босма табоқ.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—531. № 177. топширилди — 21.30.
Навбатчилар: Ҳ. ИКРОМОВ, Ҳ. ЭРМАТОВ.

МАНЗИЛИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ,
ГСП, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.